Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

46 ИЙЛ ЧИҚИШИ
№ 131 (12.785)
7 ИЮНЬ 1964 ИЙЛ
ЯКШАНБА
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ҚУВОНЧЛИ ТЕЛЕГРАММАЛАР

ҒАЛЛА ЎРИМИ БОШЛАНДИ

Бекобод ишлаб чиқариш бошқармасидаги совхоз ва колхозларнинг ғаллакорлари Тошкент областида биринчи бўлиб етилган ғаллани танлаб ўришга киришдилар. 2- «Далварзин» совхозининг механизаторлари ўрим-йиғимни бошлаб юбордилар. Комбайнчилардан Мирҳасан Миробидов, Маъмур Усмонов, Михаил Поляк ва Николай Сонинлар ўрим-йиғимда яхши ишламоқдалар.

600 гектар майдонга экилган ғалладан совхоз деҳқонлари мўл ҳосил етиштирдилар. Ғалла ўриб-йиғиб олингандан сўнг ер ҳайдалади ва такрор экиш учун тайёрланади. Бу майдонларга гектар бошига 50 центнер берадиган эртапишар «ВИР-42» навли маккажўхори экилади.

1- «Далварзин» совхози ва бошқа хўжаликларнинг комбайнчилари ҳам кузги арпа ўримига киришдилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМБАЙНЧИЛАРИГА АМАЛИЙ ЁРДАМ

Республика ғаллакорларига амалий ёрдам бериш учун Узбекистонга Россия Федерацияси ва Қозоғистондан 250 тажрибали комбайнчи келди. Воронеж ва Жамбул областлари ҳамда Татаристон Автоном республикасидан келган механизаторларнинг катта бир группаси дон экинларини ўриб-йиғиб олиш учун Сирдарё областига юборилди. Улар, жумладан, Тимирязев номли совхозда бошоқли экинлар ҳосилини ўриб олишга киришдилар. Юздан ортиқ комбайнчи Қашқадарё ва Тошкент областларининг колхоз ва совхоз далаларида ишлайдилар.

Украинанинг ғаллакор районларидан механизаторларнинг катта бир группаси келиши кутилмоқда.

Республика механизаторлари бу йил 1 миллион 300 минг гектар ерни, ўтган йилдагига қараганда уч юз эллик минг гектар кўп ердаги дон ҳосилини йиғиштириб олишлари лозим. (ЎзТАГ).

ҲАР ҚУТИДАН 103 КИЛОГРАММ

УРГАНЧ, (**«Совет Узбекистони» мухбири**). Шовот бошқармасидаги ўртоқ Бибижон Оллоберганова раислик қилаётган Чапаев номли колхоз пиллачилари сўнгги икки-уч йил ичида Хоразмда биринчи ўринни эгаллаб келадилар. Колхоз пиллачилари КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленуми қарорларидан руҳланиб, бу йил пиллачиликни янада юксалтирмоқдалар. Колхоз давлатга 8550 килограмм ўрнига 9 тоннадан ортиқ пилла сотиб, ҳар қути уруғдан 103 килограммдан пилла олди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XIII Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XIII пленуми 6 июнда ўз ишини давом эттирди.

Пленумнинг кун тартибидаги иккинчи масала — «Қурилиш ташкилотлари коллективларининг 1964 йил учун қабул қилган социалистик мажбуриятлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисида»ги масала юзасидан «Узглавстрой» бошлиғи А. К. КАРИМОВ, «Главташкентстрой» бошлиғи П. М. РЕПИН, Узбекистон ССР сув хўжалиги министрининг биринчи ўринбосари С. М. МАМАРАСУЛОВ, «Узглавколхозстрой» бошлиғи С. А. ОМЕРОВ, «Голодностепстрой» бошлиғи Э. Н. НИЗОМОВ доклад қилдилар.

Докладларни муҳокама қилишда Фарғона саноат область партия комитетининг биринчи секретари С. Р. РАСУЛОВ, «Амубухараканалводстрой» бошқармасининг бошлиғи Н. Р. ҲАМРОЕВ, Сурхондарё область партия комитетининг иккинчи секретари А. С. ПОНОМАРЕВ, 160- қурилиш трестининг бошқарувчиси А. А. АБДУҲАМИДОВ, Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари В. С. СКРЕБНЕВ, «Қунградводстрой» экскаватор машинисти С. СААДИНОВ, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Узбекистон ССР Министрлар Совети Партия-давлат контроли комитетининг раиси, Узбекистон КП Марказий Комитетининг секретари М. М. МУСАХОНОВ, 150- қурилиш трести партия комитетининг секретари А. В. ҒАНИЕВ, Урта Осиё иқтисодий райони Қурилиш давлат ишлаб чиқариш комитетининг раиси В. М. ГУШЧИН, Узбекистон ССР автомобиль транспорти ва тош йўллар министри И. В. СТРЕЛЬЦОВ, Урта Осиё темир йўли бошлиғи А. М. ҚОДИРОВ, Узбекистон ССР коммунал хўжалик министри М. З. МИРЗААҲМЕДОВ қатнашдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. РАШИДОВ якунловчи нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан кенг қарорлар қабул қилди.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XIII ПЛЕНУМИ

КИШИЛАРГА ҒАМХЎР БЎЛАЙЛИК!

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ доклади юзасидан музокаралар

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIII Пленумининг қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг «Турмуш маданиятини юксалтириш, утмиш сарқитларини тугатиш — меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим шарти» тўғрисидаги доклади ниҳоятда қизиқиш ва муҳокама қилдилар.

Музокарада сўзга чиққан ўртоқлар социализмнинг ғалабаси учун ва КПСС XXII съездида қабул қилинган коммунистик қурилиш программасини амалга ошириш учун кураш давомида, ленинча миллий сиёсатнинг гантанаси натижасида барча қардош совет республикаларида бўлгани каби Узбекистонда ҳам жуда чуқур социал-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар юз берганлигини мамнуният билан таъкидладилар.

Ўзбекистон саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданиятни муваффақиятли ривожлантирмоқда. Республика меҳнаткашларининг коммунизм моддий-техника базасини вужудга келтириш ишига қўшаётган ҳиссаси ниҳоятда ҳаммага маълум. Бу ҳаётнинг барча соҳаларида, ишлаб чиқаришда, фан ва маданиятда, ҳаётимизнинг барча соҳаларида, ҳаётимизнинг барча соҳаларида, ҳаётимизнинг барча соҳаларида

КИШИЛАРГА ҒАМХЎР БЎЛАЙЛИК!

(Боши биринчи бетда)

Мактабдан ташқари болалар муассасаларининг ишига кўпроқ эътибор бериш зарур. Болаларнинг дам олишини ташкил қилишда бу муассасаларнинг роли анча ўсди. Мактабдан ташқари муассасаларнинг моддий базасини кенгайтириш тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш керак.

Кейинги вақтларда республикада маиший хизмат корхоналарини қуриш ва ишга тушириш соҳасида анча иш қилинди, рўзғор буюмларини ремонт қиладиган йирик устахоналар барпо этилди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бош бошқармасининг бошлиғи **В. Ф. Барабаш** аҳолига хизмат кўрсатишни кескин яхшилаш йўлида кўрилаётган чоралар ҳақида гапириб берди. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш Бош бошқармаси кийимларни химиявий усулда тозалаш, пойафзални ремонт қилиш, якка тартибда кийим тикиш корхоналарини ривожлантириш планини ишлаб чиқди. Қўшимча суратда йирик устахоналар ва фабрикалар барпо этилади. Бошқарма қишлоқда маиший хизмат корхоналарининг кенг тармоқларини вужудга келтиришни мўлжаллайди.

Коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилмоқ учун халқ турмушининг барча ишлаб чиқариш ва маънавий томонларини—меҳнат, билим олиш, дам олиш ва турмушни бир-бирига қўшиш талаб қилинади. Область партия ташкилоти, дейди Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари **С. Н. Усмонов**, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш масалалари билан шуғулланганда ҳолда, меҳнаткашларни идеологик жиҳатдан тарбиялашни кучайтириш соҳасида бир қанча тадбирларни белгилади ва амалга оширмоқда. Яқинда область партия комитети идеология ходимларининг кенгайтирилган кенгашини ўтказди ҳамда маданият ва турмушни юксалтиришда қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига амалий ёрдам кўрсатиш вазифаларини белгилади. Область партия комитети қишлоқ ва йўл қурилиши, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини электрлаштириш масалаларини махсус муҳокама қилди. Барча колхоз ва совхозларни бош планлар билан 1965 йилдаёқ таъминлаш, қишлоқдаги қурилишда йиғма темирбетондан фойдаланишни кескин кўпайтириш белгиланди.

Область партия комитети Самарқанд ишлаб чиқариш бошқармасидаги Энгельс номли колхознинг тажрибасини маъқуллади. Бу хўжаликда правление ва партия ташкилоти маданият ва турмушни юксалтириш масалалари билан яқиндан шуғулланмоқда. Кейинги йилларда бу хўжаликда 800 га яқин онла янги уйларга кўчиб кирди. Колхозчиларнинг уйлари электрлаштирилган ва радиолаштирилган, посёлкадаги ҳамма йўлларга асфальт ётқизилган. Колхозда яхши бадиий ҳаваскорлик тўгараги бор, ишчи ёшларнинг кечки мактаби ишлаб турибди. Комсомол тўйлари, янги одатлар ва маросимлар колхоз ҳаётига тобора кенг сингиб бормоқда. Ўртоқ Усмонов республика Маданият министрлигини маданий-оқартув муассасаларига, улар учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга оз эътибор бераётганлиги учун танқид қилади.

Ўзбекистонда маданий-оқартув муассасалари кўп. Лекин, деди Ўзбекистон ССР маданият министри **З. Раҳимбобоева**, бу муассасаларнинг сони етарли эмас. Маданий-оқартув ишларини айниқса қишлоқларда яхшироқ олиб бориш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланилмаётир. Бу хатони тузатиш, жамоатчилик асосида ишлашни кенг жорий қилиш учун ҳозир чоралар кўрилмоқда. Республикада уй-жой бинолари қуриш кенг миқёсда олиб борилмоқда, уй-жой бинолари билан бирга даволаш муассасалари, мактаблар, магазинлар, маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари бино қилинмоқда, лекин кутубхоналар ва қўлублар очиш назарда тутилмаётир. Уй-жой қурилиши нормаларини қайта кўриб чиқиш, ҳар бир катта массивда маданий-оқартув муассасалари, кутубхоналар ва клублар ташкил этишни кўзда тутиш керак. Идоравий тўсиқларни олиб ташлаш ҳамда кутубхоналар ва клублар, қироатхоналар қайси идораники бўлишидан қатъи назар, уларнинг эшикларини ҳамма учун кенг очиб қўйиш пайти келди.

Бизнинг марксизм-ленинизм идеологиясига мос келадиган янги совет маросимларини, одатларини ва байрамларини вужудга келтириш ва жорий қилиш ишида маданият муассасаларининг роли катта. Бу масалага доир таклифларни Маданият министрлиги кўпгина олимлар билан бирга ўрганмоқда.

Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари **Н. Маҳмудов** сўз олади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумининг муҳокамасига меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг актуал масалалари қўйилган. Бу масалаларнинг аҳамияти кун сайин ўсиб бормоқда. Область партия ташкилоти ўз ишида Никита Сергеевич Хрушчевнинг, Мирзачўл коммунистик ишлаб чиқариш ва турмушни ташкил этиш тимсоли бўлиб қолсин, деган кўрсатмаларига амал қилмоқда. Кейинги йилларда бу ерда 120 минг гектардан кўпроқ қўриқ ер ўзлаштирилди, 11 та совхоз барпо этилди, бу совхозлар ҳозиргача ҳар минг тоннадан кўп пахта етиштириб берди. Жанубий Мирзачўл канали, умумий узунлиги 2300 километрдан кўпроқ бўлган жуда кўп ариқлар ва зовурлар қурилди.

Қўриқ ерларни ўзлаштирувчилар учун шаҳар типидаги поселкалар қурилмоқда. Шу пайтгача 300 минг квадрат метрга яқин уй-жой фойдаланиш учун топширилди. Кўпгина мактаблар, клублар, кинотеатрлар, касалхоналар, болалар муассасалари қурилди. Икки юздан ортиқ бригаданинг типовой дала шийпони барпо этилмоқда.

Область партия комитети азалдан суғорилиб келинаётган зонада ҳам поселкалар шу йўлда кенгайиб бориши лозим, деб ҳисоблайди. Бу соҳада дастлабки ишлар қилинди. Янгиер ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхози, жумладан, марказий усадьба қуришга киришди, икки қаватли шинам уй-жой бинолари, маданий-маиший муассасалар қурмоқда. Шу тариқа одамларнинг маънавий ўсиши, уларнинг маданиятини ва онглилигини ошириш учун ҳамма шароитлар вужудга келтирилади.

Шундай бўлса ҳам, биз уй-жой қурилишида область орқада қолаётир, деб ҳисоблаймиз. Бу масалаларни қарап чиқиш вақти келди. Республика Госплани ва бошқа республика ташкилотлари Мирзачўлдаги қурилиш ташкилотларини ривожлантириш, янги саноат ўчоқларини барпо этиш тўғрисида ўйлаб кўришлари лозим.

Сирдарё областини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаштириш область, деб аташади. Механизация маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва одамлар маданиятини оширишнинг муҳим шартидир. Комплекс механизациялаштирилгандаги меҳнатнинг ўзи одамларни ўқишга, ўз маданиятини оширишга мажбур этади. Шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олган ҳолда, Мирзачўл учун кадрлар тайёрлаш масалаларини ҳал этиш зарур, областда педагогика олий ўқув юртини, қишлоқ хўжалик институтининг филиалини ташкил этиш лозим.

Область партия комитети ҳозир ўзининг бутун ташкилотчилик ва идеология ишларини Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли қирқ йиллиги шарафига область меҳнаткашлари олган юксак социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажришни таъминлаша қаратмоқда.

Ўзбекистон ССР маориф министри **Э. Қ. Қодиров** ўз нутқини мактаблардаги таълим-тарбия ишларини яхши биладиларки, ўз меҳнатларининг суръати қанчалик юксак бўлса, порлоқ, ажойиб келажагимиз шунчалик тез яқинлашади — совет халқи коммунизмга шунчалик тез етиб олади.

Республика қурилиш ташкилотларининг кўпгина коллективлари партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги пленумлари қабул қилган тарихий қарорларни амалга ошира бориб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, етти йилликнинг олтинчи йили учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажариш соҳасида муайян ютуқларга эришдилар.

Чирчиқ электрохимия комбинатида карбамид ишлаб чиқарувчи цехлар комплекси муддатидан илгари ишга туширилди. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводидаги кокс ишлаб чиқарадиган установкалар, Фарғонадаги азотли ўғитлар заводининг аммиак ҳосил қиладиган ускуналари, Фарғона фуранли бирикмалар химия заводидаги эндотал ишлаб чиқарувчи ускуналар белгиланганидан илгари моқдалар. Республикада 6.700 мактаб ишлаб турибди. Бу мактабларда 2 миллиондан кўпроқ бола ўқийди. Мактаб-интернатлар кўпайтирилди, мактабларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш ва уларни бир сменали машғулотга ўтказиш соҳасида катта иш қилинди.

Маориф министрлиги ва унинг жойлардаги органлари янги талабларга амал қилиб, мактабларда дарс беришни, аввало, математика, физика, она тили ва рус тили ўқитишни яхшилаш соҳасида катта иш қилдилар. Мактабларга амалий ёрдам кўрсатмоқ учун малакали методист ўқитувчилар, Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг ходимлари юборилди.

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларига мувофиқ, республика мактабларида химия фанини ўқитишни йўлга қўйишга анча кўп эътибор бериладиган бўлиб қолди, бу фанни ўқитиш программаси қайта кўриб чиқилди, химия кабинетларининг ишини контроль қилиш яхшиланди. Шу билан бирга, нотиқ айтдики, мактаблардаги таълим-тарбия ишлари қўйилаётган талабларга ҳали ҳам жавоб бераролмаётир. Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент, Самарқанд областларида умумий саккиз йиллик таълим тўғрисидаги қонун бажарилмаётир. Мактабни тамомламай ўқишни ташлаб кетаётган ўқувчилар ҳали ҳам бор. Мактабларни малакали ўқитувчи кадрлар билан мустаҳкамлаш тўғрисида ҳамма жойда ҳам лозим бўлган даражада ғамхўрлик қилинаётгани йўқ.

Совет Қорақалпоғистони янги кучга тўлиб, ўсиб бормоқда. Кейинги ўн йил ичида республика саноати ва қишлоқ хўжалигида, меҳнаткашларнинг моддий ва маданий фаровонлигини оширишда катта ўзгаришлар рўй берди. Янги шаҳарлар ва посёлкалар қурилди, Урганч—Қўнғирот темир йўл магистрали ишга туширилди. Республиканинг энг катта электростанцияси бўлган Тахиатош ГРЭСи ишга туширилганлиги катта воқеа бўлди.

Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари **Қ. Камолов** республикада рўй берган ана шундай ўзгаришлар тўғрисида гапириб айтдики, кейинги вақтларда партия ташкилоти меҳнаткашларни идеологик тарбиялаш масалалари билан тағин ҳам конкрет ва амалий шуғулланадиган бўлиб қолди. Одамлар яхши яшайдиган, яхши кийинадиган бўлиб қолдилар,— дейди у,— лекин эски турмушнинг қолдиқлари ҳали батамом тугатилгани йўқ. Эҳтиёлаштириш, радио лаштириш, шаҳарларни ва посёлкаларни обод қилиш ишида Автоном республика ҳали ҳам орқада қолмоқда. Область партия комитети бу соҳаларни ривожлантириш, бор имкониятлар ва резервлардан яхшироқ фойдаланиш чораларини кўрмоқда. Бизда клублар, қутубхоналар ҳали ҳам кам, узоқ районлардаги колхозчиларга, совхозларнинг ишчиларига, айниқса яйловлардаги чўпонларга маданий ва маиший хизмат кўрсатиш яхши ташкил этилмаган.

Нотиқ Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигини танқид қилиб, бу министрлик янги ташкил этилаётган шоликорлик совхозларида маданий-маиший бинолар қуриш билан бутунлай шуғулланмаётганлигини кўрсатиб ўтди.

Меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, уларни халқ хўжалик планларини бажаришга сафарбар қилиш ва уюштириш ишида, деди Ўзсовпроф раиси **С. Нуриддинов**, касаба союзларининг роли бениҳоя катта. Касаба союз ташкилотлари социалистик мусобақа, коммунистик меҳнат ҳаракати билан кўпроқ шуғулланадиган бўлиб қолдилар, ишчилар ва хизматчиларни ишлаб чиқаришни бошқаришга кенг тортмоқдалар. Ишлаб чиқариш ходимларига зарур шарт-шароит яратиб бериш масалалари касаба союзларнинг ишида алоҳида ўрин олади. Шу билан бирга, нотиқ шуни кўрсатиб ўтдики, коллектив шартномаларда қўйилган талабларни хўжаликларнинг раҳбарлари ҳамиша ҳам тўла бажармаётирлар. Бу хусусда Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигининг, Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлигининг, «Узглавстрой», «Главташкентстрой», Сув хўжалиги министрлигининг раҳбарларини алоҳида танқид қилиб ўтиш керак.

Меҳнат тўғрисидаги қонунларни қўпол ва ўзбошимчалик билан бузиш фактларига ҳали ҳам дуч келмоқдамиз. Айрим саноат корхоналарининг раҳбарлари алоҳида зарурат бўлмагани ҳолда, иш кунини ўзбошимчалик билан узайтирмоқдалар.

Кўпгина министрликлар ва идораларнинг анчагина маданий-оқартув муассасалари бўлса ҳам, улар тарбиявий ишни яхшиламоқ учун бу муассасалардан фойдаланмаётирлар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлаш министрлиги республикада, жумладан, Қорақалпоғистонда янги совхозлар қуриш планларини тасдиқлаётганида ҳаммомлар, болалар боғчалари ва яслилар бино қилишни бутунлай кўзда тутмаган.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети санаторийларни ва дам олиш уйларини реконструкция қилиш ва кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Шифохоналарда даволанувчиларнинг сонини яқин йиллар ичида уч баравар кўпайтириш вазифасини олдимизга қўйдик. Ўрта Осиё Халқ хўжалиги кенгаши, манфаатдор министрликларнинг ва идораларнинг ҳаммаси бу ишга қўшилишлари, бу вазифани ҳал қилишни давлат аҳамиятига эга бўлган катта иш, деб қараши зарур.

Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари **Ф. Шамсиддинов** ўз нутқида областда маданий-маиший қурилиш ишлари кенг ҳажмда олиб борилаётганлигини айтиб берди. Шу йилнинг ўзидаёқ областда 23 та клуб ва кинотеатр, 21 та мактаб, кўпгина дала шийпонлари қурилади. Оилада турмуш маданиятини ошириш, уни социалистик ва коммунистик турмушнинг чинакам ячейкасига айлантириш, деди нотиқ, бизнинг муҳим вазифамиздир. Бу вазифанинг ҳал қилиниши ана шу йўлдаги ишларни қандай қилиб янгича ташкил этишга тўла равишда боғлиқ.

Шўрчи ишлаб чиқариш бошқармасининг Жданов номли колхозида ташкил этилган турмуш маданияти мактабидан ўрнак олса бўлади деб ўйлаймиз. Бу мактабни ташкил этишда медицина ходимлари, маиший хизмат кўрсатиш ходимлари актив қатнашдилар. Колхоз клубида бир неча хона мактаб жиҳозлаб қўйилди. Мутахассислар ҳоналарни қандай жиҳозлаш, қандай қилиб озода ва бартиб сақлаш, чақалоқларни қандай парвариш қилиш, рўзғор машиналари ва асбобларидан тўғри фойдаланиш, кийим бичиш, тикиш ва шу кабиларни хотин-қизларга яққол кўрсатиб бердилар. Кир ювиш машиналари, холодильниклар, пилесослар ва шу кабилар шу жойнинг ўзига келтирилиб, кўргазмага қўйилди ва сотилди.

Бу мактаб ҳаммага жуда манзур бўлди, Қисқа вақт ичида фақат Жданов номли колхоз аъзоларигина эмас, шу билан бирга, бошқа колхозлардан, район марказидан ҳам хотин-қизлар бу ерга келиб, таълим олиб кетдилар. Ҳозир бундай мактаблар областнинг ҳамма районларида ташкил этилмоқда. Янги турмушни мана шундай яққол пропаганда қилиш энг яхши натижа беради, деб ҳисоблаймиз.

Маданий қурилишдаги, ўтмиш сарқитларига қарши курашдаги камчиликларнинг сабабларини анализ қилганда, шу нарсани кўрмасликмумкин эмаски, деб давом қилди нотиқ, кўпгина колхозлар ва совхозларнинг, партия комитетларини ва район ижроия комитетларининг раҳбарлари бу масалаларга етарли баҳо бермаётирлар. Бу соҳада ҳам биз зарур тарбиявий иш олиб бориш ниятидамиз. Маданият министрлигини ва унинг жойлардаги органларини янги турмушни пропаганда қилишга тағин ҳам активроқ тортиш вақти келди. Адабиёт ва санъат арбоблари шаънига бир-икки оғиз гап айтмоқчиман. Улар ҳам мана шу жуда муҳим вазифани ҳал қилишга ўз ҳиссаларини қўшишлари лозим. Тошкент киностудияси, масалан, оиладаги турмуш маданияти тўғрисида фильмлар яратиб бериши мумкин.

Яна бир муҳим масала устида тўхталиб ўтаман. Бизнинг фикримизча, республика олий ўқув юртлари битириб чиқувчиларга махсус билимлар беришга қолмай, шу билан бирга, уларни юксак маданиятли кишилар ҳам қилиб чиқаришлари, социалистик маданиятни жорий қилувчи чинакам курашчилар қилиб тарбиялашлари керак.

Совет кино санъатининг ижодий муваффақиятларида, деди Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Кинематография давлат комитети раиси **С. Муҳамедов**, Ўзбекистон кино ходимлари қўшган меҳнатнинг ҳам ҳиссаси бор. Ўтган йили «Узбекфильм» студияси томошабинларга манзур бўлган бир қанча бадиий фильмлар чиқарди. Ҳужжатли фильмлар яратиш соҳасида ишловчи кинематографчиларимиз республикамиздаги шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг муваффақиятлари тўғрисида ҳикоя қиладиган дурустгина фильмлар яратдилар. Ҳозирги вақтда «Узбекфильм» студиясида саккизта бадиий фильм тайёрланмоқда.

Республикада кинофильмлар яратиш тузук бораётган бўлса ҳам, аҳолига кино хизмати кўрсатиш ишида жиддий камчиликлар бор. Томошабинларни кинофильмларни кўришга тортиш плани бажарилмаётир, шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам кинотеатрларга томошабинларнинг келиши кам.

Кинематография давлат комитети аҳолига кино хизмати кўрсатишни яхшилаш иши билан ҳали ҳам етарли равишда шуғулланмаётир. Бу ишдаги нуқсонларни йўқотиш учун амалий чоралар кўриш зарур.

Фарғона қишлоқ область партия комитетининг иккинчи секретари **М. Иброҳимов** областда саноат корхоналарининг қишлоққа оталик ёрдами кўрсатиши тобора кенг ривожланиб бораётганлигини, гаганов ачиларнинг сафлари ўсиб бораётганлигини пленум қатнашчиларига гапириб берди. Қишлоқ хўжалик ишчилари ўз тажрибаларини бошқаларга бажонидил ўргатмоқдалар, колоқ участкаларга ўтиб ишламоқдалар. Улар фақат ўз манфаатларини кўзлаш, фақат ном чиқариш учун эмас, балки меҳнат унумдорлигини тўхтовсиз ошириш, умумхалқ бойлигини кўпайтириш тўғрисида биринчи галда ғамхўрлик қилаётганликлари учун мана шундай жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Фарғона колхозлари ва совхозларининг экономикаси йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Улар кўп тармоқли хўжаликларга айланмоқдалар, энг янги техника билан таъминланмоқдалар. Кадрларнинг ўсаётганлиги ҳам бизни қувонтиради. Техниканы тараққий эттирмай туриб, меҳнат унумдорлигини ошириб бўлмаслигини, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириб бўлмаслигини одамлар тушунадиган бўлиб қолдилар. Меҳнат унумдорлиги эса меҳнаткашларга хизмат кўрсатиш маданиятига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Кейинги йилларда Фарғона областида 130 та мактаб, 62 та медицина муассасаси, болалар учун 150 га яқин боғча ва ясли, кўпгина кутубхона, клуб, шинам дала шийпонлари ва бошқа маданий-маиший муассасалар қурилди. Уй-жой қурилиши мисли кўрилмаган даражада кенг авж олдириб юборилди.

Лекин шундай бўлса ҳам, эътироф қилиш керакки, айрим қишлоқларимиз ва посёлкаларимизнинг қиёфаси аҳолининг ўсиб бораётган моддий даражасига ва маданий савиясига ҳали ҳам мувофиқ эмас. Бир қанча совхозларда маданий-маиший объектлар қуриш ишлари яхши олиб борилмаётир. Бу бизнинг жиддий камчилигимиз.

Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари **С. Асомов** ўз нутқида идеология ишларини хўжалик вазифаларини ҳал қилиш билан тағин ҳам яхшироқ қўшиб олиб бориш зарурлигини гапириб ўтди. Қашқадарё областининг меҳнаткашлари хўжалик ва маданий қурилиш ишида бирмунча ютуқларга эришдилар. Улар область саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш программасини муваффақиятли бажардилар. Область колхозлари ва совхозлари давлатга қоракўл тери сотиш планини бажардилар, пилла сотиш плани бажарилай деб қолди. Давлатга гўшт сотиш ярим йиллик плани бажарилди.

Бу ютуқлар партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва идеология ишларини муайян мақсадга йўналтириб олиб борганликлари натижасида қўлга киритилди.

Ўртоқ Асомов республика ташкилотлари ҳақида ўзининг танқидий мулоҳазаларини айтиб ўтди. «Ўзбекбирлашув», деди у, қишлоқда савдо-сотиқни, айниқса биринчи даражада зарур молларни сотишни ташкил қилиш билан тузук шуғулланмаётир. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг ишида жиддий камчиликлар содир бўлмоқда. Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳам медицина муассасаларининг иши билан, уларга керакли мутахассислар юбориш билан етарли равишда шуғулланмаётир.

Қишлоқдаги капитал қурилиш масалаларини, деди нотиқ, аниқлаб олиш зарур. Колхозлар ва совхозларда яшовчилар учун ҳамма қулайликлар яратилган йирик посёлкаларни кенг равишда қуришга ўтиш пайти келди.

Қарши чўли ўзлаштирилаётганлиги муносабати билан областда катта истиқболлар очилмоқда. Партия ва халқнинг иродаси билан жуда кенг ва катта қўриқ ерлар маъмурчилик ўлкасига айлантирилади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети нинг Мурожаатига жавобан Қашқадарё областининг меҳнаткашлари шонли қирқ йилликни муносиб нишонлаш учун фидокорона ишлашга маҳкам бел боғладилар.

Ўзбекистон Спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи советининг раиси **В. С. Митрофанов** сўзга чиқиб айтдики, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати коммунистик тарбиянинг таркибий қисми бўлган физкультура ва спортга ҳамиша катта аҳамият бериб келдилар.

Республиканинг физкультура ташкилотлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ёрдами ва раҳбарлиги остида кейинги вақтларда ўз ишларини бирмунча яхшиладилар. Мингдан кўпроқ янги физкультура коллективлари ташкил қилинди. Физкультура ва спорт билан шуғулланувчилар 1 миллион 300 минг кишига етди. 1963 йилнинг ўзидагина Ўзбекистонда бундан олдинги тўрт йилда гига қараганда бирмунча кўпроқ спорт мастерлари ва биринчи разрядли спортчилар тайёрланди.

Мана шу ютуқларнинг ҳаммасига қарамай, республикада физкультура ва спорт, умуман, қониқарли аҳволда, деб бўлмайди. Меҳнаткашлар ва уларнинг болаларининг кўп қисми физкультура ва спорт билан мунтазам шуғулланишга ҳали тортилгани йўқ.

Шу йилнинг охирига бориб, республика асосий спорт кўрсаткичлари соҳасида мамлакатда муносиб ўрин олиши лозим. Юбилей йилида яна 400-500 минг киши физкультурачи ва спортчи қилиб тайёрланиши лозим.

Партия органлари жойларда жисмоний тарбия масалаларига катта эътибор бермоқдалар. Хоразм область партия комитети, масалан, областдаги жисмоний тарбиянинг аҳволи масаласи билан амалий шуғулланди ва бу соҳада ҳам Хоразмнинг республикадаги олдинги ўринларидан бирини олиши учун бир қанча амалий чоралар кўрди. Областда спорт иншоотлари кўпайтирилмоқда, янги стадионлар қурилмоқда ва борлари реконструкция қилинмоқда.

Лекин, афсуски, ҳамма жойда ҳам физкультура ва спортга тўғри муносабатда бўлинаётир, деб бўлмайди. Қорақалпоғистонда спорт ишларига аҳамият берилмай қўйилди. Тошкентдаги «Пахтакор» стадионини обод қилишга етарли эътибор берилмаётир.

Физкультура ва соғломлаштириш ишларини бевосита цех, бригадаларда, дала шийпонларида олиб бориш учун спорт ташкилотлари касаба союз ва комсомол ташкилотлари билан бирга ҳамма чораларни кўрмоқдалар. Спортнинг миллий турлари ва, аввало, чавандозлик, кураш ва халқ ўйинларини қишлоқ аҳолисини физкультура машғулотларига тортишда муҳим восита бўлиши лозим.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумидан кейин атиги бир йил ўтди. Шу қисқа вақт ичида жуда кўп иш қилинди. Композиторлар кўпгина янги асарлар ёздилар, қардош музика маданиятларининг арбоблари билан ижодий алоқада бўлишнинг мароқли формалари топилди. Ўзбекистон Композиторлари союзи правлениесининг раиси **С. Бобоев** шу ҳақда гапириб, Ўзбекистонда ўтказилган Рус адабиёти ва санъати ўн кунлиги, совет музикасига бағишланган «Тошкент баҳори» фестивали катта ижодий аҳамиятга эга бўлганлигини, бу ўн кунлик ва фестиваль социалистик маданиятнинг чинакам байрамига айланганлигини эслатиб ўтди.

Шу билан бирга, нотиқ меҳнаткашларга эстетик тарбия бериш ва айниқса ёш авлодни тарбиялаш соҳасида планли равишда мунтазам иш олиб боришнинг аҳамиятини уқтириб ўтди. Мактаблар ва олий ўқув юртларида музика таълими бериш ва тарбиялаш масалаларини ўйлаб кўриб ҳал қилиш, радио ва телевидение орқали музикавий таълим эшиттиришларини мунтазам бериб туриш керак. Бу ишлар афсуски, пухта ўйланган план асосида олиб борилмасдан, онда-сондагина ўтказилмоқда. Республика Маданият министрлиги театрларимизнинг, концерт бирлашмаларимизнинг музикавий ҳаётига тағин ҳам конкрет раҳбарлик қилиши, Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитети эса совет музикасини моҳирлик билан пропаганда қилиши керак.

«Ўзбекбирлашув» правлениесининг раиси **Н. И. Супотницкий** сўзга чиқиб айтдики, аҳолининг муттасил ўсиб бораётган талабларини қондириши, юксак даражада унумли меҳнат қилмоқ ва маданий дам олмоқ учун аҳолига шарт-шароит яратиб бериши лозим бўлган савдо ташкилотлари меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш масалаларида катта роль ўйнайдилар.

Республика матлубот кооперациясининг чакана товар оборoти ўтган йилдагига нисбатан икки баравардан зиёдроқ кўпайди. Мана шу фактнинг ўзи аҳолининг маданияти, талаблари ўсганлигини кўрсатиб турибди. Маданий рўзғор буюмларига бўлган талабнинг кўпайганлиги бунинг энг яққол далилидир.

Матлубот кооперациясининг ходимлари шаҳар ва қишлоқ аҳолисини, айниқса хотин-қизларни унумсиз меҳнатдан халос қилиш йўлида катта иш олиб бормоқдалар. «Ўзбекбирлашув» системасидаги нон заводлари ва новвойхоналар ўтган йил 350 минг тоннадан кўпроқ турли нон тайёрлаб бердилар. Қишлоқда беш мингга яқин умумий овқатланиш корхонаси ишлаб турибди. Бу нарса меҳнаткашларнинг кўп вақти фойдали ишлар, ўқиш, маданий дам олиш билан шуғулланиш учун бўшаб қолганлигини кўрсатади.

Баъзи ижобий натижалар қўлга киритилганлигига қарамай, республика матлубот кооперациясининг ишида, айниқса қишлоқ аҳолисига савдо хизмати кўрсатиш ишида камчиликлар кўп. Магазинлар ва ошхоналарда аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси паст, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сотиш қониқарли ташкил этилмаган. Қишлоқ аҳолисига жуда зарур бўлган бир қанча молларни ишлаб чиқариш жуда камайтириб юборилди, ёки бутунлай тўхтатиб қўйилди.

Хева ишлаб чиқариш бошқармасининг меҳнаткашлари шу кунларда зўр ғайрат билан ишламоқдалар. Бошқарма партия комитетининг секретари Ўртоқ **М. Худойберганов** район меҳнаткашларининг ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажариш учун курашда эришган дастлабки қтуқлари ҳақида гапириб, партия ташкилоти идеология ишларини кучайтириш учун қандай чоралар кўраётганлигини айтиб берди. Районда 326 та турли маданий-оқартув муассасалари ишламоқда, яхши жиҳозланган дала шийпонлари қурилди ва ишлаб турибди. Колхозларда янги маиший комбинатлар қурилмоқда. Кўпгина қишлоқларни қайта қуриш ишлари бошланди. Янги посёлкаларда одамлар учун ҳамма қулайликларни вужудга келтиришга интилмоқдамиз. (ЎзТАГ).

ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ 1964 ЙИЛ УЧУН ҚАБУЛ ҚИЛГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Ўз Ватанига берган сўзининг устидан чиқиш—қурувчининг шарафли ишидир Шу сабабли Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIII пленуми қатнашчилари кун тартибидаги «Қурилиш ташкилотлари коллективларининг 1964 йил учун қабул қилган социалистик мажбуриятлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисида»ги иккинчи масалани гоят зўр эътибор билан муҳокама қилдилар.

6 июндаги эрталабки мажлисда шу масала юзасидан «Узглавстрой» бошлиги **А. К. Каримов**, «Главташкентстрой» бошлиғи **П. М. Репин**, Ўзбекистон ССР сув хўжалиги министрининг биринчи ўринбосари **С. Мамарасулов**, «Узглавколхозстрой» бошлиги **С. А. Омеров** ва «Голодностепстрой» бошлиғи **Э. Н. Низомов** доклад қилдилар.

Бошқа қардош совет республикаларида бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам кранларнинг қудратли ҳартумлари, қурилиш ҳавозалари республика манзарасининг таркибий қисмига айланиб қолди. Қурувчилар мамлакатимиздаги барча меҳнаткашлар қатори коммунизм қурилишининг улуғвор программасини бажаришга бутун куч-қувватларини сарф қилишга қатъий бел боғлаганлар. Тянь-шань ёнбағирларида ва беповён даштларда, катта ва кичик дарёларда, янги саноат марказларида—хуллас ҳамма жойда электростанциялар, завод ва фабрикалар қад кўтармоқда, каналлар қазилмоқда, сунъий денгизлар вужудга келтирилмоқда, янги уй-жой кварталлари бунёд этилмоқда, болалар боғчалари ва яслилари, клублар, театрлар, маданият саройларининг бинолари қурилмоқда.

Қурилишларнинг меҳнаткашлари шуни яхши биладиларки, ўз меҳнатларининг суръати қанчалик юксак бўлса, порлоқ, ажойиб келажагимиз шунчалик тез яқинлашади — совет халқи коммунизмга шунчалик тез етиб олади.

Республика қурилиш ташкилотларининг кўпгина коллективлари партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги пленумлари қабул қилган тарихий қарорларни амалга ошира бориб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, етти йилликнинг олтинчи йили учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажариш соҳасида муайян ютуқларга эришдилар.

Чирчиқ электрохимия комбинатида карбамид ишлаб чиқарувчи цехлар комплекси муддатидан илгари ишга туширилди. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводидаги кокс ишлаб чиқарадиган установкалар, Фарғонадаги азотли ўғитлар заводининг аммиак ҳосил қиладиган ускуналари, Фарғона фуранли бирикмалар химия заводидаги эндотал ишлаб чиқарувчи ускуналар белгиланганидан илгари маҳсулот бера бошлади, Олтиариқдаги нефтни қайта ишлаш заводининг қуввати оширилди. Республика қурувчилари ва монтажчилари улкан химия қурилишларида айниқса муваффақиятли меҳнат қилмоқдалар — химия объектларидаги ишларнинг тўрт ойлик топшириғи ортиғи билан адо этилди.

«Главташкентстрой»нинг 3-, 153- қурилиш трестлари, йирик панеллардан уй қурувчи Тошкент комбинати, «Узглавстрой»нинг 11-ва «Алмаликсвинецстрой» қурилиш трестлари, «Узбекгидроэнергострой» трести ва бошқа қурилиш ташкилотларининг коллективлари олинган мажбуриятларни жуда яхши бажармоқдалар.

Ирригация қурилишлари республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим участкасидир. Амму—Бухоро машина канали ва Шеробод канали, Занг канали, Каркидон сув омборининг иккинчи навбатини қураётган меҳнаткашлар бир талай муваффақиятларни қўлга киритдилар. Қорақалпоғистондаги Қизкетган насос станцияси графикда белгиланганидан барвақт қуриб битказилди.

Мирзачўл ва Сурхондарёнинг Шеробод массивидаги пахтакор совхозларни қуриш ишлари кенг қўламда олиб борилмоқда. Амударё соҳилларидаги қайир ерларда мамлакатнинг жуда катта янги шоликорлик базаси барпо этилмоқда. Энергетика ва электрлаштириш объектларидаги қурувчилар, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналарининг коллективлари олинган мажбуриятларни бажариш учун қунт билан курашмоқдалар.

Кўпгина партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари ўзларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишларини қурувчиларнинг олинган социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажариш учун бошланган мусобақасини

ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ 1964 ЙИЛ УЧУН ҚАБУЛ ҚИЛГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

(Боши иккинчи бетда)

«Главташкентстрой» қурилиш ташкилотлари қурилиш индустрияси ва бинокорлик материаллари корхоналарини қуриш ҳамда ишга туширишнинг йиллик планини муддатидан илгари бажариш учун оширилган социалистик мажбуриятлар олдилар. Йигма темир-бетон, бетон-керамзит, асфальт-бетон қотишмаси корхоналарининг қўшимча қувватлари графикда белгиланган муддатдан олдин ишга туширилади. Тошкентдаги темир-бетон буюмлар заводига теплотрасса ўтказилиши билан газобетон ҳам ишлаб чиқарила бошлайди. Тошкентдаги уйсозлик комбинатининг қуввати оширилмоқда, йирик панелли уйлар қурадиган янги завод барпо қилинмоқда. Республика пойтахтидаги уйсозлик комбинатлари келгуси йилдаёқ ярим миллионга яқин квадрат метр ҳажмида уй-жой қура оладилар. Мактаб, болалар муассасалари, магазинлар ва касалхона биноларини қуришда индустриал методлардан кенг фойдаланилади.

Ўзбекистон — пахтачилик республикасидир. Шу сабабли, бу республикада сув хўжалиги қурилишига жуда катта эътибор берилмоқда. Сув хўжалиги қурилишини яхши йўлга қўймай туриб, суғориладиган деҳқончиликни муваффақиятли суратда ривожлантириш мумкин эмас.

Партия ва ҳукуматнинг қарорларига мувофиқ, бизнинг республикамиз Мирзачўл, Марказий Фарғона, Сурхон — Шеробод массивида, Қарши дашталарида, Амударё этакларида ва бошқа областларда янги ерларни ўзлаштирмоқда. Ҳар йили юз минг гектарга яқин янги ер ўзлаштирилиб, экин экилмоқда ва бу ерлар қишлоқ хўжалик оборотига киритилмоқда. Ҳозирги вақтда республикада йирик сув омборлари — Каттақўрғон, Жанубий Сурхон, Чимқўрғон ва бошқа кўпгина сув омборлари бор. Кампирровот, Чорвоқ, Пачкамар, Каркидон ва бошқа сунъий денгизлар, Тахиатош гидроузели қурила бошлади. Аму — Бухоро, Шеробод магистрал каналларини қуриш соҳасидаги ишлар муваффақиятли давом эттирилмоқда. Ирригаторлар дринаж-коллектор шохобчаларини қуриш ва уларни фойдаланиш учун топшириш соҳасида кўп тажриба тўпладилар.

Ирригация объектларида неча ўн минглаб бинокорлар ва ўзлаштирувчилар меҳнат қилмоқдалар, лойиҳачилар ва транспортчилар улар билан қўлни-қўлга бериб зўр ғайрат билан ишламоқдалар. Янги ерларни ўзлаштиришда Ўзбекистон ССРнинг деярли ҳамма министрликлари ва бошқармалари, шунингдек Ўрта Осиё ташкилотлари ва қардош республикаларнинг бинокорлари актив қатнаш моқдалар.

Ўзбекистон ирригаторлари кўп минг кишилик коллективининг бутун куч-ғайрати ҳозирги вақтда етти йиллик олтинчи йили давлат планини ва олинган социалистик мажбуриятларни бажаришга қаратилган. Ана шу план ва мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши сув иншоотлари қурувчиларининг Ўзбекистон республикаси ва Компартиясининг шонли юбилейига энг яхши меҳнат совғаси бўлади.

Аммо шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ўтган беш ой ичида Сув хўжалиги министрлигининг қурилиш ташкилотлари капитал маблағлардан фойдаланиш планини, шунингдек қурилиш-монтаж ишлари юзасидан берилган топшириқларни бажармадилар. Талайгина маблағлар ўзлаштирилмай қолди. Бунга сабаб шуки, республика Сув хўжалиги министрлиги ва унинг трестлари қурилишларга ташкилий-техника жиҳатидан етарли раҳбарлик қилмаётирлар, шу билан бирга қудратли ер қазиш техникасидан қониқарли фойдаланилмаётир. Бу нуқсонлар «Сурхансовхозводстрой», «Сурхандарьяводстрой» трестлари учун, Тошкент сув омбори қурилиш-монтаж бошқармаси ва «Фергановодстрой» қурилиш-монтаж бошқармаси учун айниқса характерлидир. Сув хўжалиги министрлиги ва қурилиш ташкилотлари механизмлардан фойдаланишни яхшилаш учун, шу жумладан икки сменали ва уч сменали ишларни ташкил қилиш, машиналар ремонтини жадаллаштириш учун зарур чораларни кўрмоқдалар.

Сув хўжалиги қурилишининг катта қўламлари ва уни янада ривожлантириш истиқболлари қурилиш ва монтаж ишларини электрлаштириш даражасини бутун чоралар билан оширишни талаб этади. Бунинг учун аввало йиғма темир-бетондан кенг миқёсда фойдаланиш лозим. Шу муносабат билан темир-бетон буюмлар ва конструкцияларни янада унификациялаш ва типиклаштириш керак.

Ирригация қурилишлари ва иншоотлари учун керакли мутахассисларга эҳтиёж ҳали ҳам жуда катта. Аммо Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтида ҳар йили тайёрланаётган мутахассислар сони ортмасдан, балки ҳатто камайиб бораётганлиги бизни ташвишга солмоқда. Ирригация ташкилотларининг олий маълумотли мутахассислар ҳақида берган заявкалари атиги 25 процент қондирилаётган бир пайтда шундай аҳвол рўй бермоқда.

Сув хўжалиги аҳамиятига эга бўлган қурилиш объектларидаги жиддий қолоқликка барҳам бермоқ керак. Қурилиш коллективларининг ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ўзаро текшириш натижалари бунинг учун барча имкониятлар мавжуд эканлигини кўрсатди.

Колхоз ишлаб чиқариши даромадларининг ўсиб бораётганлиги, бўлинмас фондларга ажратилаётган маблағларнинг ортиб бораётганлиги қишлоқларда қурилиш ишларини кенгайтириш ва яхшилаш учун қулай шароитлар вужудга келтирилди. Етти йилликнинг ўтган беш йили мобайнида колхоз посёлкаларини қайта қуриш ва обод қилиш соҳасида кўп иш қилинди. Қишлоқларда тўрт миллион квадрат метрдан кўпроқ ҳажмда ой-жой, 293 минг ўринли мактаб бинолари, кўпгина шифохоналар, клублар, кинотеатрлар ва 26 мингга яқин ҳар хил ишлаб чиқариш ва чорвачилик бинолари қурилди.

Қишлоқларда 30 мингга яқин тажрибали бинокор бор. Эндиликда колхозлараро қурилиш ташкилотларида кўпгина машина ва механизмлар парки мавжуд бўлиб, булар меҳнат унумдорлигини ошириш ва қурилишларни арзонлаштириш имконини беради.

Шу йилнинг дастлабки беш ойи якунлари кўпгина қишлоқ қурилиш ташкилотлари—Қуйи Чирчиқ, Пискент, Ургут, Шўрчи, Бағдод, Чуст, Янгиқўрғон қурилиш ташкилотлари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни муваффақиятли адо қилмоқдалар, объектларни фойдаланиш учун топшириш юзасидан берилган топшириқларни доим ошириб бажармоқдалар. Бинокорлар орасида қурувчи-ирригатор касбини астойдил севиб, шу касб билан фахрланаётган кўпгина ажойиб новаторлар бор.

Илғорларнинг муваффақиятлари республиканинг ҳамма районларида капитал қурилишни узлуксиз кўпайтириш учун катта имкониятлар мавжуд эканлигини кўрсатади. Аммо бу имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётир. Ўтган йили капитал қурилиш учун колхозларга ажратиб берилган маблағларнинг 40 процентидан кўпроғи ишлатилмай қолди. Ишга туширилиши лозим бўлган объектларнинг ярми фойдаланиш учун топширилмади. Бу ҳол жиддий ташвиш туғдирмоқда. Энг катта камчилик шуки, қишлоқларда колхозлараро қурилиш ташкилотлари бажараётган ишларнинг салмоғи капитал қурилишнинг умумий ҳажмида ҳали ҳам кам. Сирдарё, Бухоро, Сурхондарё, Хоразм областларидаги колхозлараро қурилиш ташкилотларининг кўпи қониқарсиз ишламоқда.

Колхозларда қурилиш ишларининг даражаси шаҳарлардаги қурилиш даражасидан анча орқада қолмоқда. Меҳнатнинг яхши ташкил этилмаганлиги, қурилиш ишларининг мавсумийлиги, техникадан суст фойдаланиш бунга сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети қишлоқларда қурилиш ишларини тубдан яхшилаш ҳақида қарор қабул қилдилар. Колхозларда қурилишнинг структураси ва уни ташкил этиш характерига тааллуқли масалалар асосан ишлаб чиқилди. Республикада «Ўзглавколхозстрой», область қурилиш трестлари тузилди. Бу трестлар 70 та колхозлараро қурилиш ташкилотларини бирлаштиради.

«Ўзглавколхозстрой» кўп иш қилмоғи керак. Қурилиш-монтаж ишларини планлаштириш, материал ва маблағларни ҳисобга олиш соҳасида тегишли тартиб ўрнатиш, колхозларнинг хўжалик усулида амалга оширилаётган капитал қурилиш ҳажмларини қисқартириш лозим.

Колхоз посёлкалари қурилишини планлаштириш схемалари ва бош планлари билан колхозларни таъминлаш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиш зарур. Қурилиш объектларини нотўғри ва тасодифий жойлаштиришга чек қўймоқ керак. Ҳозирги вақтда қурилишларга асос қилиб олинган типовой лойиҳалар йиғма темир-бетондан фойдаланишни чеклаб қўяди.

Ўзбекистон ССР Госстройининг лойиҳалаш институтлари қурилишда йиғма темир-бетон конструкцияларини ишлаб чиқиш имконини берадиган мукаммалроқ типовой лойиҳаларни мумкин қадар тезроқ ишлаб чиқишлари лозим.

Колхоз иншоотлари ва қорхоналари қурилишида меҳнатни механизациялаш даражаси сира ҳам етарли эмас. Кўпгина қурилиш ташкилотлари шу вақтгача зарур ер қазиш машиналари, кўтарма механизмлар, автокранлар ва экскаваторларга эга эмас. Қурилиш-монтаж ишларини механизациялаштириш соҳасида эришилган даражани эътиборга олиб, машина ва механизмларнинг тегишли нормасини «Ўзглавколхозстрой»га ажратиб бериш лозим.

Бир қанча йирик колхозлараро қурилиш ташкилотларининг орқада қолаётганлигига, қурилиш ишлари сифатининг пастлигига малакали кадрларнинг етишмаётганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Қурилишларда етарли даражада иш тажрибасига эга бўлган инженер-техник ходимларни колхозлардаги қурилишларга юбориш чораларини кўриш, жойларда кадрларни қайта тайёрлашни уюштириш зарур.

«Главголодностепстрой»нинг кўп минг кишилик коллективи йил бошида катта ва фахрли мажбуриятларни олган эди. Ҳозирдаёқ 5100 гектар янги ер тайёрлаб қўйилди, бу ерларга чигит экилди, 16 мингдан кўпроқ лоток ўрнатилди, 22 километр узунлигида босимли трубопроводлар ётқизилди. Бу — мажбуриятларда белгиланганидан анча ортиқдир. Уй-жойларни фойдаланиш учун топшириш беш ойлик плани 100,7 процент бажарилди, бинокорлар 26 минг квадрат метр ҳажмдаги уй-жойни фойдаланиш учун топширдилар.

Аммо баъзи ижобий натижаларга эришган ҳолда пудрат ишларини бажаришдаги катта қолоқликка эътибор бермаслик мумкин эмас. Айрим ташкилотлар ноқулай обҳаво шароитларида қурилиш ишларини олиб боришга яхши тайёрланган эмаслар ва улар белгиланган топшириқларни бажармай келмоқдалар. Йил бошидан буён ун миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилмай қолди. «Мирзачўлсовхозстрой» трести айниқса суст ишламоқда.

Кўпгина пудратчи ташкилотлар ҳам ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажармаётирлар. Гидромеханизациялаштирилган ишлар бошқармаси 4 ойлик планни 36 процент бажарди. «Узсантехгазмонтаж» трести ҳам қониқарли натижаларга эришмади. Бу трестнинг суст ишлаётганлиги натижасида совхозларни газ билан таъминлаш хавф остида қолмоқда.

«Главголодностепстрой» бошқармаси ва партия комитети қурилиш-монтаж ишларини муваффақиятли олиб бориш учун конкрет тадбирлар ишлаб чиқди. Механизмларни икки ва уч сменада ишлатиш кўзда тутилади, кичик ҳажмда механизациялаш амалга оширилади. Лоток шохобчаларини тирговучлар ўрнатиб монтаж қилишга яқин вақтлар ичида ўтиш мўлжалланди. Бу эса монтажчи бригадаларнинг меҳнат унумдорлигини кескин суратда ошириш имконини беради. Айрим қолоқ участкалар механизмлар билан таъминланади.

Мирзачўл совхозлари юксак даражада механизациялаштирилган хўжаликлардир. Бу совхозларда ҳар бир ишчига ўрта ҳисобда 9 гектардан пахта майдони тўғри келади. Пахтачилик совхозларининг меҳнаткашлари чигит экишни муваффақиятли тугалладилар. Майдонларнинг ҳаммасига белгиланган миқдорда уруғлик солувчи сеялкалар билан квадрат уялаб чигит экилди. Ғўзанинг биринчи парвариши тамомланди. Ирригация шохобчаларининг ҳаммаси ғўзани суғоришга тахт қилиб қўйилган. Ғўза яхши ривож топмоқда. Бинокорлар каби пахтачилик совхозларининг ходимлари ҳам ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан бажарадилар деб тўла ишонч билан айтиш мумкин.

Капитал қурилишнинг буюк ҳажмлари Ўзбекистондаги қурилиш ташкилотлари зиммасига ўз ишларини тубдан яхшилаш, коллективларнинг ўз мажбуриятларини Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги шарафига муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдириш вазифасини юклайди. (ЎзТАГ).

БУЗҒУНЧИЛАРГА ҚАРШИ,

коммунистик ҳаракатнинг бирлиги учун*)

ХИТОЙ РАҲБАРЛАРИНИНГ СОХТА ДАЛИЛЛАРИ

Хитой раҳбарлари бузғунчилик фаолиятини кенг авж олдира борганлари сари, ўзларининг кўпорувчилик, фракциячилик ҳаракатлари учун масъулиятни бошқалар устига тўнкашга шу қадар зўр бериб уринмоқдалар. Бу ҳол «Жэньминь жибао» газетаси ва «Хунци» журналининг шу йил 4 февралдаги ва 31 мартдаги редакцион мақолаларида ҳамда КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг ҳужжатлари ҳақида «Жэньминь жибао» газетасида босилган редакцион шарҳда аққол кўриниб турибди. Пекиндаги арбоблар ёзган бу материалларда хилма-хил уйдирмалар қалаштириб юборилган.

Зотан, ХКП раҳбарлари коммунистик ҳаракат сафини бузиш йўлига ошкора тушиб олганларидан кейин, энди уларнинг бундай найранглар ишлатаётганликларига тажжубланиш керакмикин? Ғаразли мақсадлар одатда номуносиб методларни ҳам келтириб чиқаради. Хитой раҳбарлари «замонамизнинг энг катта бузғунчилари» деган номга ўзлари жуда сазовор бўлсалар ҳам, лекин улар бу номни бошқаларга тўнкашга тинмай уринмоқдалар. Коммунистик партияларнинг сафларида иккита бўлиниш «муқаррар» эканлиги тўғрисидаги, оқибат натижада ҳар бир мамлакатда иккита революцион пролетар партияси тузилиши «қонуниятли» эканлиги ҳақидаги, жаҳон коммунистик ҳаракатида сафларнинг бузилишини «тўхтатиб бўлмаслиги» тўғрисидаги сохта ва ниҳоят даражада зарарли тезисни бошқа ҳеч ким эмас, балки Хитой раҳбарларининг ўзлари кўтариб чиқмоқдалар ва зўр бериб пропаганда қилмоқдалар. Пекиндаги назариячилар бу хусусда шундай бир «универсал» формулани ўйлаб чиқардилар: «Жипслашиш — кураш ёки, ҳатто ажралиш — янги асосда яна жипслашиш — халқаро коммунистик ҳаракат тараққиётининг диалектикаси мана шу». Ҳар бир партия ичида ва умуман халқаро ишчилар ҳаракатида сафларнинг бузилиши энг оддий, табиий ва нормал бир ҳол, деган фикр бутун дунё коммунистларига зўр бериб ўқтирилмоқда. ХКП раҳбарларининг ақлга сиғмайдиган мантиқи — мана шу. Бу — пролетар революционерлари мантиқи эмас, балки масъулиятсиз фракциячиларнинг мантиқи.

Хитойдаги бузғунчилар энг оддий (ҳар бир ўқимишли марксчи учун тушунарли) нарсаларни жуда ҳам чалкаштириб юбориб, антагонистик зиддиятлар билан ноантагонистик зиддиятлар ўртасидаги фарқни кўрмаётирлар. Масалан, буржуа жамиятига хос бўлган синфий антагонизмларни жаҳон **коммунистик** ҳаракатига шунчаки кўчириб қўйиш, синфий антагонизмларни **синфдош қардошлар ўртасидаги, маслакдош коммунистлар ўртасидаги** муносабатларнинг қонуни даражасига кўтариш мумкинми, ахир?

«Жэньминь жибао» газетаси ва «Хунци» журналининг 4 февралда босилган редакцион мақоласида, ички кураш ҳамиша «халқаро ишчилар ҳаракатини янги босқичга кўтара берди ҳамда халқаро ишчилар ҳаракатининг жипслигини янги асосда мустаҳкамлашга ва ривожлантиришга олиб кела берди», деб даъво қилинади. Бинобарин, ХКП раҳбарларининг айтишларига қараганда, бузғунчилар ҳар қандай ҳолда ҳам фойдали иш қилаётган, ажралиш пролетар ҳаракатининг муваффақият қозонишига ёрдам берар эмиш.

ХКП раҳбарлари ўзларининг ҳозирги бузғунчилик ишлари билан улуғ Ленининнинг II Интернационалнинг оппортунист йўлбошчиларига қарши олиб борган курашларини ўртасида қандайдир ўхшашлик бор, деб даъво қилаётганликлари ҳам ғирромликнинг ўзгинасидир. Бир-бирига қарама-қаршилиги яқ қол кўриниб турган бу икки ҳолатнинг қандай қилиб бир-бирига «ўхшаши» мумкин, ахир!

Коммунистларнинг интернационал бирлиги компартияларнинг ички бирлиги билан чамбарчас боғланган. Коммунистик ҳаракат сафларининг пароканда бўлишини, бир мамлакатда «бир неча компартия» тузишни оқлайдиган ва коммунистик ҳаракат орасида бирмунча тарқалган концепцияларга асло қўшилиб бўлмайди. Бу концепцияларнинг тарафдорлари шуни айтмоқдаларки, ҳозирги вақтда халқаро коммунистик ҳаракатда «селекция, кристаллашиш ва консолидация» жараёни рўй бераётган эмиш ва ҳозирги вақтда халқаро коммунистик ҳаракатда коммунистик ва ишчи партияларнинг тўртта типи, яъни: «1) марксчи-ленинчи партия; 2) раҳбарлиги ревизионистлар контроли остида бўлган, лекин ўзининг ичида марксчи-ленинчи оппозиция мавжуд бўлган партия; 3) тамомила ревизионистлар контроли остида турган, партиядан чиқарилган коммунистлар эса марксчи-ленинчи группалар тузган партия; 4) раҳбарлиги ревизионистлар контроли остида бўлган партия ва шу партия билан бир қаторда тузилган янги коммунистик партия» бор эмиш. Шу билан бирга, баъзи ўртоқлар мазкур группалар ва партияларнинг ҳаммаси билан баб-баравар алоқа қилиб туришни ўзлари учун лозим, деб ҳисоблашмоқдалар ва бошқаларни ҳам шундай қилишга чақирмоқдалар. Бу билан улар «коммунистик кўп партия вийлик» бўлиши керак, деб даъво қилмоқдалар.

Лекин бундай йўл амалда нимага олиб келади?

«Селекция» дейишади. Бунинг маъноси янги турларни яратишдир. Лекин ишчилар синфи революцион партиясининг, марксчи-ленинчилар партиясининг типи Ленин ҳаёт бўлган вақтдан бери муайян тус олган йўқми, ахир? Коммунистик партияларнинг қандайдир янги «турлари»ни «яратиш» учун зарурат борми? Тўғри, ҳозирги вақтда мана шундай хатарли, зararли «селекция» билан шуғулланаётган кишилар бор. Хитой раҳбарлари шундай кишилардир, улар бузғунчи группаларни сунъий равишда вужудга келтирмоқдалар. Бундай бузғунчи группалар уларга чинакам марксчи-ленинчи партияларга қарши курашмоқ, бу партияларнинг бирлигини қўпормоқ учун керак, холос.

«Кристаллаштириш» дейишади... Лекин шу нарса маълумки, бир қанча мамлакатларда оппортунистлар, бузғунчилар, янги пайдо бўлган троцкийчилар ўзлари «кристаллашиш»га уринмоқдалар ва бу уринишда жуда муайян йўлни кўзламоқдалар: улар ишчилар синфидан ажралиб қолган группачаларга айланмоқдалар, бу группачалар, Пекин берган кўрсатма билан ҳаракат қилмоқдалар, ХКП раҳбарларининг гегемончилик интилишларига хизмат қилмоқдалар.

«Консолидация» дейишади... Ҳа, ҳақиқатан ҳам консолидация бўлаётир. Жаҳондаги коммунистик партияларнинг катта кўпчилиги 1957 ва 1960 йиллардаги Москва кенгашларида ишлаб чиқилган муштарак йўл платформаси негизида консолидациялашмоқдалар, яъни уюшмоқдалар. Лекин, афсуски, бошқача «консолидация» ҳам бор, халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлигига душман унсурларни жипслаштириш мақсадида қилинаётган уринишлар бор. Ҳақиқатда бу консолидация эмас, балки бузғунчиликдир, шу сабабли, коммунистлар бундай «консолидация»га қарши кескин курашмоқдалар.

«Партияларнинг тўрт типи» бор дейишади. Лекин коммунистик ҳаракатга қарши қўпорувчилик ишларини олиб бораётган фракциячи ташкилотларни «коммунистик партиялар» даражасига кўтаришга кимнинг ҳақи бор?

ХКП раҳбарлари ва уларнинг тарафдорлари коммунистик ҳаракат сафини бузишга қаратилган ўз йўлларини «назарий асослаш»га уриниб, марксчи-ленинчи партияларнинг кўпчилигига «ревизионист партиялар» деган ёрлиқ тақишга ҳаракат қилмоқдалар. Лекин бу ҳаракат тўғри позицияларда турган қардош партияларга қарши кураш олиб боришнинг тактика воситаларидан бири-ку, ахир. **Хитой раҳбарлари чинакам марксчиларни «янглишиб» ревизионистлар деб ҳисоблаётганликлари сабабли, уларга қарши кураш олиб бораётганлари йўқ, балки, аксинча, Хитой раҳбарлари чинакам марксчиларга қарши ўзларининг принципсиз, фракциячилик ёвузликларини авж олдириш мақсадидагина мана шу чинакам марксчиларга «ревизионистлар» деган ёрлиқни ёпиштирмоқдалар.**

Хўш, Хитой раҳбарлари жаҳон коммунистик ҳаракати сафларини бузишга интилиб, ҳақиқатда қандай мақсадларни кўзламоқдалар? Пекиндаги раҳбарлар **миллатчилик, шовинистлик, узоққа мўлжалланган гегемончилик мақсадларини** кўзлаб ва шунга асосланиб, ўзларининг **«назарий»** концепцияларини ҳам илгари сурмоқдалар, ўзларининг **амалий** фракциячилик ишларини ҳам олиб бормоқдалар.

Пекиндаги раҳбарларнинг гегемончилик интилишлари ХКП раҳбарларининг бошқа компартиялар билан ҳозирги вақтдаги амалий муносабатларида жуда аққол кўриниб турибди. Хитой раҳбарлари ўзларини коммунистик ҳаракатнинг «хўжайинлари» деб ҳисоблаб, худди шу тарзда иш олиб бормоқдалар.

ХКП раҳбарларининг бошқа компартияларнинг тарихидаги энг муҳим воқеаларга шу қардош партияларнинг ўзлари берган хулосаларга бутунлай зид бўлиб тушаётган субъектив, бир томонлама баҳо беришга уринаётганликларида ҳам Пекиндаги раҳбарларнинг гегемончилик интилишлари сезилиб турибди. Чунончи, «Жэньминь жибао» газетаси ва «Хунци» журналининг шу йил 31 мартдаги мақоласида айрим тарихий даврларда революциянинг тинч ривожланиши учун олиб борилган курашдаги рус большевикларининг тажрибаси ҳам, шунингдек Венгрия, Чехословакия коммунистларининг тажрибаси ҳам бутунлай инкор қилинади. Шу мақола авторлари Испаниянинг қаҳрамон Коммунистик партиясини, унинг сиёсий йўлини таҳқирламоқдалар. Ўша мақоланинг ўзида Ироқ, Жазоир, Франция, Италия коммунистларининг, бошқа бир қанча мамлакатлардаги қардош партияларнинг қилган ишларига ҳақоратли баҳолар берилган.

Лекин Пекиндаги арбоблар ўзларининг асосий зарбаларини КПССга қарши қаратмоқдалар. Бу асло тасодифий эмас. Бошқа мамлакатларнинг коммунистлари КПССни, унинг ленинчи Марказий Комитетини пролетар интернационализми принципларинг содиқ ва забардаст ҳимоячилари деб, барча чинакам марксчи-ленинчиларнинг қудратли таянчи деб, ҳақли равишда ҳисобламоқдалар. Пекиндаги арбоблар энг разил туҳмат ва бўҳтонлар ёрдами билан КПССнинг обрўсини тўкишга, унинг Марказий Комитетига бўлган ишончга путур етказишга, қардош партияларнинг халқаро бирдамлигини бўшаштиришга, жаҳон коммунистик ҳаракатини ичдан чиқаришга ва зиддиятларни ва ҳаракатлантиришга, ишчилар синфига ёт бўлган фракциячилик, анархия, ғоявий мужмалик ва ташкилий пароканда лик методларини ва қилиқларини жаҳон коммунистик ҳаракатига ёйишга уринмоқдалар. Улар нима учун шундай қилаётирлар? Ўзларининг гегемонларча миллатчилик планларини амалга оширишларига ёрдам берадиган вазият вужудга келтирмоқ учун шундай қилмоқдалар.

ХКП раҳбарлари пролетар интернационализми принципларига ёт бўлган ошкора миллатчилик позициясига ўтиб олганликларини империалистик мамлакатларнинг буржуа доиралари дарров пайқадилар.

Лондондаги Сити магнатларининг газетаси бўлган «Файнэншл таймс» газетасининг редакторлари томонидан ХКП раҳбарларининг мақсадларига берилган баҳо жуда диққатга сазовордир. «Файнэншл таймс» газетаси Пекин қилаётган ҳаракатларнинг ҳақиқий сиёсий моҳияти ҳақида гапириб, унинг ҳозирги позициясида «хийла чуқур маъно» борлигини кўришга даъват қилиб, Хитой раҳбарлари **«ҳамиша марксизмдан... ҳарбий ва территориал экспансия мақсадларини ниқобламоқ учун фойдаланиб келдилар»**, деб ёзади.

ХКП раҳбарларининг миллатчилик, фракциячилик йўли, улар бузғунчиликни ошкора таргиб қилаётганликлари қардош партияларни ҳақли равишда газабландирмоқда.

Халқаро коммунистик ҳаракат Хитой раҳбарларининг бузғунчилигини ва фракционизмини ҳеч сўзсиз рад қилмоқда.

ЛЕНИНЧА БИРЛИК ПРИНЦИПЛАРИНИ ҚАТТИҚ ТУРИБ САҚЛАБ ҚОЛАЙЛИК

Ажралиш хавфи шундай реаллик бўлиб қолдики, жаҳон коммунистик ҳаракати бу билан ҳисоблашмаслиги мумкин эмас. Вужудга келган аҳвол барча марксчи-ленинчи партияларни ғоят ташвишлантирмоқда, чунки ХКП раҳбарлари эришмоқчи бўлган ажралиш империализмга қарши курашда жаҳон коммунизмининг позициясини анча заифлаштирган бўлур эди.

Шу сабабли, марксчи-ленинчилар рўй берган келишмовчиликларни қандай йўл билан бартараф қилишлари мумкин, деган масала энди жуда катта аҳамиятга эга бўлиб қолди. Коммунистлар шуни яхши биладиларки, коммунистик партиялар иш олиб бораётган доиранинг анча кенгайганлиги, улар ишлаётган шароитнинг хилма-хиллиги ва янги, мураккаб, ишлаб чиқилмаган масалалар пайдо бўлаётганлиги — мана шуларнинг ҳаммаси айни бир хил проблемаларни кўпинча турли хил талқин қилишга олиб келади, турли нуқтаи назарларни туғдириши мумкин.

«Баъзан, ҳатто принципиал характерда бўлган у ёки бу хил масалалар бизнинг амалий фаолиятимизда, социализм ва коммунизм қурилишида турлича тушунилиши, уларни ҳал қилишда турлича йўл тутилиши... мумкинми? — деган эди ўртоқ Н. С. Хрушчев. — Шундай бўлиши мумкин. Бир партиянинг ўзида айни бир хил масалани шу партиянинг айрим аъзолари баъзан турлича тушунадилар.

Бундай ҳолда нима қилмоқ керак?

Бизни бирлаштириб турган энг асосий, ҳал қилувчи масалада бирликка эришмоқ керак».

Марксчи-ленинчилар нуқтаи назаридан қараганда, партиялар ўртасида вақтинча келишмовчиликларнинг пайдо бўлиши қандайдир сира ҳам фавқулодда ҳодиса эмас. Бутун гап шундаки, муштарак иш манфаатларини кўзлаб, шу келишмовчиликларни, ихтилофларни кўч ва ғайрат сарфлаш йўли билан бартараф қилишга эришиш лозим.

В. И. Ленин революцион ишчилар ҳаракатидаги сиёсий келишмовчиликларни бартараф қилиш йўлларини анализ қилиб, бундай деб ёзган эди: «Сиёсий партиялар ичидаги ва сиёсий партиялар ўртасидаги ихтилофлар, одатда, фақат принципиал мунозара билангина эмас, балки сиёсий ҳаётнинг ўсиши билан ҳам ҳал қилинади. Айниқса партиянинг тактикасига, яъни унинг сиёсий ҳаракатига доир ихтилофлар, нотўғри фикр юритувчиларнинг янглиш мулоҳазаларни осонгина бир четга суриб ташлайдиган, уларни бемазни қилиб, ҳеч кимни қизиқтирмайдиган қилиб қўйдиган воқеаларнинг бориши таъсири остида, курашнинг тўғри йўлига ўтишлари билан бартараф қилинади... Бу, қабул қилинган тактик қарорларни янги сиёсий воқеалар асосида мумкин қадар тез-тез **текшириб туриш** кераклигинигина англатади...» (Асарлар, 9-том, 148-бет).

Муштарак мақсадларни амалга оширмоқ учун биргаликда олиб бориладиган кураш бирликни таъминлаши лозим бўлган энг асосий нарсадир. 1960 йилги Москва кенгашининг Баёнотида «Бутун дунё коммунистларини марксизм-ленинизмнинг улуғ таълимоти ва бу таълимотни амалга оширмоқ учун биргаликда олиб борилаётган кураш бирлаштирмоқда», дейилади. Тинчлик учун, империализмга қарши, миллий мустақиллик учун, социализм учун курашда барча қардош партияларнинг келишиб ҳаракат қилиши бирликни мустаҳкамлашнинг асосий йўлидир. Шу нарса яхши маълумки, коммунистларнинг халқаро бирлиги барча коммунистик партияларнинг муайян интернационал мажбуриятларга, аввало, **ихтиёрий** равишда риоя қилишлари асосида ҳамма ташкил қилиниб келди ва ташкил қилинади. Шу мажбуриятларни бажаришнинг ўзи халқаро коммунистик интизомга риоя қилиш демакдир. Бунда ишнинг расмий жиҳати эмас, балки маънавий жиҳати энг асосий роль ўйнайди. В. И. Ленин буни кўп марталаб таъкидлаганлигини эслатиб ўтамиз. Ленин бундай деб ёзган эди: «Расмий жиҳатдан қараганда, халқаро съездларнинг қарорлари алоҳида миллатлар учун мажбурий эмас, бироқ бу қарорларнинг маънавий аҳамияти шундан иборатки, амалда бу қарорларга риоя қилмаслик айрим компартияларнинг ўз съездлари қарорларига риоя қилмаслиги каби жуда камдан-кам учрайдиган мустасно бир ҳолдир» (Асарлар, 13-том, 77, 78-бетлар).

Социализм қурилишида ҳам, шунингдек капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфининг революцион курашида ҳам ҳозирги замондаги барча революцион кучлар ҳаракатининг бирлигини таъминламоқ учун қардош партиялар ўзларининг программ ҳужжатларини — Декларация ва Баёнотни коллектив бўлиб ишлаб чиқдилар. Бу ҳужжатларда эса барча партиялар ўз халқаро кенгашларининг берган баҳоларига ва чиқарган хулосаларига яқдиллик билан риоя қилиш мажбуриятини оладилар, деб аниқ ва равшан қилиб айтилган.

Озчиликнинг кўпчиликка бўйсунишн тўғрисидаги ленинча принципга Хитой раҳбарларининг қилаётган ҳужумларига келганда, шуни қатъий қилиб таъкидлаш зарурки, бу масалада ҳам ишнинг расмий жиҳати барча чинакам коммунистлар учун асло биринчи ўринда турмайди. Марказлашган раҳбар органнинг йўқлиги ҳар бир партиянинг коммунистик ҳаракат бирлигини сақлаш учун масъулиятини бўшаштирмайди, балки аксинча тағин ҳам кўпроқ оширади.

Жаҳон коммунистик ҳаракатида вужудга келган ажралиш хавфининг даф қилинмоғи учун Хитой раҳбарлари коммунистик ҳаракатнинг муштарак платформасига қайтишлари, марксчи-ленинчи партияларга қарши ўзлари олиб бораётган сиёсий курашни тўхтатишлари, партиялараро келишмовчиликларни коммунистик ҳаракат ичидаги ўзаро муносабатларнинг ленинча нормалари доирасида бартараф қилиш йўлига тушиб олишлари зарур.

Қардош партияларнинг интернационал боғланишларини, алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, уларнинг систематик равишда учрашиб ва маслаҳатлашиб туришлари бутун дунё коммунистларининг бирлигини мустаҳкамлоқ учун жуда катта аҳамиятга эга. «Қарашларнинг бир марта вужудга келтирилган бирлиги, бир-бирига мослиги ўзича абадий сақланиб қола бермайди, — деган эди ўртоқ Н. С. Хрушчев. — Ижтимоий ҳаётда янги ҳодисалар пайдо бўла беради, буларга тўғри баҳо бериш ва булардан тўғри хулосалар чиқариш талаб қилинади, шу сабабли систематик учрашиб ва маслаҳатлашиб туриш, партиялар ва ҳукуматлар ўртасида мутташил фикрлашиб туриш натижасидагина чинакам бирлик вужудга келиши ва мустаҳкамланиб қолиши мумкин».

Коммунистларнинг янги халқаро кенгаши бирлик учун курашда муҳим босқич бўлиб қолиши мумкин. Жаҳоннинг ҳамма районларидаги коммунистларнинг кўпчилиги янги халқаро кенгашни тезроқ чақириш кераклигини айтмоқдалар. Партияларнинг съездларида, раҳбар органларнинг пленумларида шу масала юзасидан қабул қилинаётган қарорларда коммунистик ҳаракатда вужудга келган аҳвол учун ташвишланиш ҳисси акс этмоқда, коммунистик ҳаракатнинг бош йўлини қаттиқ туриб сақлаб қолишга, Хитой раҳбарларининг қўпорувчилик фаолияти натижасида халқаро коммунистик ҳаракатда вужудга келган ажралиш хавфининг олдини олмоқ учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўришга қизғин интилиш намоён бўлмоқда.

Қардош партиялар ўзларининг ғоят ташвишланаётганликларини ҳамда коммунистик ҳаракатнинг етилган муштарак масалаларини коллектив бўлиб ҳал қилиш учун, Баёнот қабул қилинганидан кейинги йилларда жаҳонда рўй берган янги ҳодисаларни умумлаштириш учун ўз зиммаларидаги тарихий масъулиятни англаётганликларини кўрсатмоқдалар.

Хитой раҳбарлари кенгаш чақиришни бутун чоралар билан орқага суриш йўлини тобора ошкора ўтказмоқдалар. Уларнинг айтаётган га

Ҳурмат тахтаси

ПИЛЛА ТАЙЕРЛАШ ЙИЛЛИК ПЛАНИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРГАНЛИКЛАРИ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАЛАРИ РЕСПУБЛИКА ҲУРМАТ ТАХТАСИГА ЁЗИЛАДИЛАР:

Сариосиё ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма бошлиғи **Ч. Алматов**, партия комитетининг секретари **Н. Эшмаматов**, комсомол комитетининг секретари **А. Намозов**, пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **С. Отахонов** ўртоқлар).

Ғузор ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма бошлиғи **А. Мамиров**, партия комитетининг секретари **К. Маҳмудов**, комсомол комитетининг секретари **Р. Иноятов**, пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **Х. Авазов** ўртоқлар).

Косон ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма бошлиғи **Д. Абдураззоқов**, партия комитетининг секретари **Р. Эшонқулов**, комсомол комитетининг секретари **З. Хайитов**, пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **Д. Назиржонова** ўртоқлар).

Қарши ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма бошлиғи **Х. Қўйбоқаров**, партия комитетининг секретари **И. Бузруков**, комсомол комитетининг секретари **И. Жўрабоев**, пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **Н. Саидов** ўртоқлар).

Навоий ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма бошлиғи **А. Нарзиев**, партия комитетининг секретари **М. Мироқов**, комсомол комитетининг секретари **Р. Абдуллаев**, пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **Н. Бурхонова** ўртоқлар).

Сирдарё ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма бошлиғи **М. Миркурбонов**, партия комитетининг секретари **Т. Умаров**, комсомол комитетининг секретари **Р. Зуҳуров**, пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **Б. Дадажонов** ўртоқлар).

Жиззах ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма бошлиғи **А. Сатторов**, партия комитетининг секретари **Г. Иброҳимов**, комсомол комитетининг секретари **Г. Қодирова**, пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **С. Бобоев** ўртоқлар).

Киров ишлаб чиқариш бошқармаси (Сирдарё области) (бошқарма бошлиғи **И. Мороз**, партия комитетининг секретари **К. Исҳоқов**, комсомол комитетининг секретари **Т. Жуманов**, пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **М. Юшков** ўртоқлар).

ЎРТОҚ ИОСИП БРОЗ ТИТОНИНГ ЛЕНИНГРАДГА ҚИЛАДИГАН САФАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Совети Раиси Никита Сергеевич Хрушчевнинг таклифига биноан, Югославия Социалистик Федератив Республикасининг президенти Иосип Броз Тито Финляндиядаги давлат визити тугаганидан кейин рафиқаси ва ўз ҳамроҳлари билан бирга бир оз вақт Ленинградда бўлади.

«СОВЕТ МАДАНИЯТИ» ПАВИЛЬОНИ МЕҲМОНЛАРНИ КУТИБ ОЛДИ

МОСКВА, 5 июнь. (ТАСС мухбири). Композиторлар, рассомлар, режиссёрлар, театр ва кино артистлари бугун Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг янги — «Совет маданияти» павильонининг тантанали очилиш маросимида қатнашиш учун келдилар.

СССР маданият министри Е. А. Фурцева ўз нутқида павильон экспозицияси виставка томошабинларини бадиий интеллигенция ижодининг энг яхши намуналари билан таништириши кераклигини айтди.

Павильонда концерт қўйиб берилди.

Бу ерга тўпланган кишилар театр ва музика санъати, рассомлик, кинематография, халқ ижодиёти, радиоэшиттириш ва телевидение соҳасида қўлга киритган муваффақиятларимизни акс эттирувчи экспонатлар билан таништилар.

МЕҲМОНЛАРИМИЗ

Афғонистон бош министри доктор Муҳаммад Юсуф Совет Иттифоқида даволаниб ва дам олиб, ватанига қайтаётганида Тошкентда тўхтаб ўтди.

Афғонистоннинг СССРдаги элчиси Абдулҳаким Шоҳоламий қурматли меҳмонга ҳамроҳ бўлиб келди.

Тошкент аэровокзалида доктор Муҳаммад Юсуфни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси Р. Қурбонов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар министри С. О. Азимов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Доктор Муҳаммад Юсуф бир оз дам олганидан сўнг ватанига жўнаб кетди.

* * *

СССР Министрлар Советининг Чет эллар билан маданий алоқа давлат комитетининг таклифига биноан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Непал ташқи ишлар ва маориф министри К. Н. Биста 5 июнда Ўзбекистон пойтахтига келди. Непал маориф министрлигининг секретари Ш. К. Бхаттран, Непалнинг Москвадаги элчихонаси секретари Б. П. Таплия унга ҳамроҳ бўлмоқда.

Меҳмонлар Ўзбекистонда бўлган вақтларида халқ маорифининг қўйилиши билан танишадилар. Тошкент ва Самарқанддаги диққатга сазовор жойларни бориб кўрадилар.

К. Н. Бистани ва унинг ҳамроҳларини Тошкент аэровокзалида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар министри С. О. Азимов, республика олий ва ўрта махсус таълим министри Т. А. Саримсоқов, Ўзбекистон ССР маориф министри Э. Қ. Қодиров ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. (ЎзТАГ).

УРОЛ ТАНСИҚБОЕВ 60 ЁШГА ТЎЛДИ

СССР халқ рассоми, атоқли санъаткор Урол Тансиқбоев 60 ёшга тўлди. Ватанимиз табиатининг моҳир куйчиси, инсон меҳнати ва қалбини улуғловчи мўъжизакор мўй қалам соҳибининг санъатимизни юксалтиришдаги ғоят катта хизматларини тақдирлаб, СССР Олий Совети Президиуми уни Ленин ордени билан мукофотлади.

Биз улкан санъаткорни бу олий мукофот билан қутлаймиз, унга катта ижодида янада янги муваффақиятлар тилаймиз.



Суратда: СССР халқ рассоми Урол Тансиқбоев ижод устида.
И. Глауберзон фотоси.

ГЎЗАЛЛИК ОШИҒИ

Мақсуд ШАЙХЗОДА

Ватанимизнинг муаззам қудрати халқ фарзандларининг дилига севинч ва дадиллик бахш этгандай, одамларимизнинг ақли-идрокига ҳам қудрат ва закийлик бағишлайди, ишимизнинг ҳаққоний, йўлимизнинг нуроний бўлганига янада янги-янги далиллар қўшади. Она-Ватан қудрати одамларнинг сўзида, қунарида, ихтиросида, меҳнатида, жўрлатида ва қўшиғида ўз аксини топади, лекин шу билан бирга ер ва юртга, шонли ўтмишимизга ва порлоқ истиқболимизга, ўз толеимизга ва ўз бахтимизга соҳиблик — эгалик туйғусини ҳам сингдирадики, бундай сезимлар ва қаноат ўзи ўз давлатига ва шавкатига эришган жамиятдагина туғилиши мумкин.

Еримизнинг— юртимизнинг қудратини сезиш эса унинг нафосатини, ажойиб хусну жамолини, Ватан табиатининг чиройини, унутилмас манзараларнинг латофатини, мавсумларнинг гўзаллигини сезиш, англаш ва севиш билан боғлиқдир.

Ҳа. Ватанга меҳр қўйиш ундаги табиий ҳусну чиройга бегона ва лоқайд қараш билан асло қовушмайди. Юрт тупроғининг дилрабо кўринишларини куйлаш ўзи Ватаннинг қадрини кўтаришга, унга садоқат билан хизмат қилишга чақиради. Бу жиҳатдан қараганимизда, адабиёт ва тасвирий санъатлар кенг имкониятга эга бўлиб туғма юртни, унинг ҳусну жамолини тараннум қилишлари билан улуғ ватанпарварлик ролини ўтаган бўладилар.

Ўз туғилган юртининг табиатига ҳайрон ва мафтун бўлган забардаст санъаткорлардан бири ССР Иттифоқи халқ рассоми, СССР Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси Урол Тансиқбоевдир. Бундан роса олтмиш йил муқаддам Тошкентда туғилган ва ўзининг бутун ҳаётини ва ижодий тақдирини Ўзбекистон билан боғлаган Урол Тансиқбоев том маъноси билан бизнинг еримизнинг мақлиё ошиғи, Ўзбекистон манзараларининг нағмасоз куйчисидир.

Толе унга ўткир кўз, нозик дид, майин завқ бахш этгандирки, булар ҳаммаси Урол акада рассомликнинг ёруғ манзилларига қараб юриш учун йўлланма бўлди. Советлар замонасининг баракасидан озиқланган рассом ўзидаги азиз қобилиятларни ҳормайтолмай қўллаб-қувватлаб келиб, бу санъатнинг буюк устозларидан бири бўлишга муяссар бўлди.

Ҳақиқатан, сўз устаси забардаст шоирга ёки чапдаст бир рангсоз суратқашга насиб бўладиган маҳорат билан Урол аканинг чизган лавҳалари бир карра уларни кўрган кишининг хотиридан чиқиши мумкинми? Йўқ, асло!

Доимо рассомимизнинг сокин, вазмин, эпик бўёқлар билан чизилган лавҳаларини томоша қилганимда, менда илк туғилаётган туйғу ҳаётнинг абадийлиги, табиатнинг азалий бўлиши ва Ватаннинг азизлиги ҳақидаги ҳиссиётдир. Мана унинг энг машҳур асарларидан бири — 1955 йилда яратган расми — Сирдарё лавҳаси!.. Бу ерда юзаки қараганимизда инсон образи йўқ. Қадимий Сайҳун — Сирдарё басавлат равонлиги билан она-тупроқ бағрини ёриб, ўз азамат ўзанидан оқиб кетмоқда! Рангларнинг ширин оҳанги борган сайин тадрижан қуюқ яшилликдан очиқ обий рангга кўчиб бормоқда. Беғубор уфқлар тасвирланган бу лавҳада инсон йўқ, аммо инсон қўли билан қурилган бир уй, одамзод оёғи билан очилган йўл ва бу йўл чеккасига боғбон меҳри билан экилган олма дарахтлари бор. Демак, тамомила пейзаж жанрига мансуб бўлган бу лавҳага бевосита кўринмаган ижодкор инсоннинг образи ҳокимдир.

1954 йилда яратилган «Пейзаж», 1951 йилда тамомланган «Туғма юрт», 1951 йилда вужудга келтирилган «Иссиққўл оқшоми» лавҳалари томошабин диққатини чуқур симметриям, равшан оптимизм ва аллақандай сўлмас қувонч билан банд қилади.

Урол Тансиқбоевнинг бутун ижодиётини баҳоламоқчи бўлсак, уни Совет Шарқида ва айниқса Ўрта Осиё ўлкасида улкан реалист санъаткор деб айтишимиз керакки, бу ўзи бизнинг тарихий йўлимизда зўр новаторлиқдан далолат беради. Асрларча ислом ахкомининг диний тушунчаларига кўра тақиқланиб келган рассомлик санъати бизда реалистик анъаналарга эга бўлмай қолган эди. Фақат айрим даврларда, масалан XV асрда Алишер Навоийдек улуғ ва қудратли арбобларнинг ташвиқи билан ажойиб рассомлар етилган бўлса-да, булар реалистик санъатни ўша даврнинг шароитида ривожлантира олмаганлар. Аммо ҳар ҳолда машҳур Камолиддин Беҳзод сингари гениал рассомнинг ижоди беному нишон ўтиб кетган эмас. Чунончи, Беҳзоднинг тасвирлаган бир боғ манзараси томошабинларни мафтун қилганини «Бадойиул-воқое» сохиби Васифий ҳикоя қилади. Бироқ, реалистик суратқашлик ва лавҳакашлик анъанаси буюк рус ва Европа санъатларидан бизга муяссар бўлган мактабдир.

Биз бугун ажойиб санъаткоримиз, эл нафосатининг рангсоз шоири Урол аканинг ижодини қадрлар эканмиз, унинг бутун бу сермеҳнат хизматини, дарҳақиқат ватансевар рассомимизнинг буюк гражданлик ҳимматидай баҳолаймиз ва ҳали бу забардаст қўл халқимизга кўп унутилмас лавҳалар армуғон қилишига ишонамиз.

САНЪАТКОРГА ТАБРИКЛАР

ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

Ўлкамиз нақадар гўзал. Унинг шаҳарлари, қишлоқлари кишини мафтун этади. Мирзачўлга ҳам бир назар ташланг. Ўтмишда саҳро-ю кабир деб аталган чўл ўрнида янги шаҳар ва қишлоқлар қад кўтарди, беғубор пахтазорлар, боғроғлар яратилдики, кўриб кўзлар қувонади.

Улкан суратқашимиз Урол Тансиқбоев совет кишиларининг ана шу яратувчилик меҳнатини, гўзал ўлкамиз манзараларини шундай усталик билан чизяптики, биз унинг асарларида ўз меҳнатимизнинг, ҳаётимизнинг маҳсулини кўриб турибмиз.

Ишончимиз комилки, талантли санъаткоримиз Мирзачўл пахтакорлари ҳаётидан катта-катта асарлар яратади.

А. НОСИРОВ,
Сирдарё область, Гулистон бошқармасидаги «Красний Восток» колхозининг раиси.

ҚЎРГАН САРИ ҚЎРГИМ КЕЛАДИ

«Қайроққум тонги» сурати олдида узоқ туриб қолдим. Рассом бинокор меҳнатининг файзи ва гўзаллигини, завқи ва нашъасини нақадар шоирона акс эттирган. Кўрган сари кўргим келади, завкланаман, баракалло, шу санъат ижодкори Урол Тансиқбоевнинг отасига раҳмат, деб қўяман, Урол аканинг ҳаёт гўзаллигидан андоза олган асарлари биз, бинокорларни ҳам янада унумлироқ ишлашга чақирмоқда.

Устоз рассомга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва катта ижодий галабалар тилаймиз.

Абдулла ВОҲИДОВ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Намангандаги бинокорлар бригадаси бошлиғи.

НОҲАҚ ИШГА РИВОЖ ЙЎҚ

Нишлар

Хеваликлар Ражаб Жуманиёзовни «назаркарда» деб аташади. Бу гапда жон бор. Жуманиёзов қиё боққан кишининг ишн ўнгидан келиб, қоқилса ҳам йиқилмайди, тегирмонга тушса бутун чиқади, унинг қаҳрига учраган киши эса униб-ўсмайди, олдин нураб кейин қулайди.

Жуманиёзов район колхозлараро қурилиш конторасининг раислигига тайинланган, гишт тергувчидан сувоқчигача, дурадгордан гунукасозгача — ҳаммани назардан ўтказди. Дидига ёқканларни пинжига олиб ардоқлади, ёқмаганларга дарвозани катта очиб қўйди. Раисининг дидига ўтирганларнинг аксарияти қилни қирқа ёриб, кўпикдан холва пиширишга устамон кишилар бўлди. Шулардан айримларини айтиб ўтайлик.

Абдулла Раҳимов — омбор мудири. 1962 йил октябрь ойида 778 сўм камоматга йўл қўйди.

1963 йилнинг октябрь ойида яна ревизия ўтказилди. Энди бошқача манзара юз берди: бир томонда 281 сўм 47 тийин камомат чиқди, иккинчи томонда 5642 сўм 89 тийинлик қурилиш материаллари ортиқлиги аниқланди. Ревизорлар масаланинг туб моҳиятини очиб ташлади. А. Раҳимов хизмат мансабини суиистемол қилиб 281 сўм 47 тийинни ўзлаштирган, қурилиш материалларини эса қиғир қўллик билан ўмариб қолган-у, пуллашга улгирмаган, деган хулосага келиб ишни тергова оширишди.

Саъдулла Абдуллаев — қурилиш конторасининг Урганч темир йўл вокзалида майдон мудири. У 54 кубометр ёғоч, 82 кубометр тахта, 200 тонна кўмирни «сув» қилган. Тегишли ҳужжатлар қонунлаштирилиб уни жиноий жавобгарликка тортиш учун жамоат тартибини сақлаш район бўлимига юборилди...

Жиноятчилар қилмишига яраша жазо оладиган вақт яқинлашганда Ражаб Жуманиёзов типирчилаб қолди. Бош терговчи Комил Худойбергановнинг остонасига бош уриб борди, ялинди-ёлворди, Абдулла Раҳимов ва Саъдулла Абдуллаевларни «қўй оғзидан чўп олмаган мўминқўзи» деб таърифлади. Раисининг бош эгиб бориши терговчининг раҳмини келтиримди ёки бошқа бирор сир ўтдими, Худайберганов «жиноят» сўзини «беғарволик», «суиистеъмол» сўзини «англашилмовчилик» иборасига айлантириб юборди. Икки жиноятчи жазодан қутулиб қолди, давлат маблағи, қурилиш материаллари эса талон-торож қилинганича қолаверди.

Раисининг дидига ёққанлардан яна бири икки марта жавобгарликка тортилган Одамбой Жуманиёзов бўлди. Раис уни ишлаб чиқариш бўлими мудирлигига лозим кўрди. Одамбой мухтасассими? Йўқ! Ташкилотчими? Йўқ! Ундай бўлса Одамбойда қандай ижобий хислат бор? У раис Ражаб Жуманиёзовга ёқади, унинг ёқасидан кириб ичидан чиқади, оғирини енгил қилади. Раисга Владимир Нам ҳам ёқиб қолди. Уни бош инженерликка тайинлади. Ваҳолонки, унинг касби— гидротехник.

Ражаб Жуманиёзов «гаҳ» деса қўлига қўнадиган ўзи мижоз кадрларни танлаб, жой-жойига қўйгач, орзуумидларини рўёбга чиқара бошлади, сохта ҳужжатлар билан давлатнинг кўзини бўяди, қилинмаган ишни қилиндига чиқариб, мўмай пул топди, шахсий бойлик орттирди. Айрим мисоллар келтирамиз:

Ражаб Жуманиёзов юқори ташкилотларга ёзма доклад йўллаб, ўзи раҳбарлик қилаётган колхозлараро қурилиш конторасининг 1962 йилда давлатга 18.360 сўм фойда берганини баён этди. Шу эвазга устама мукофот, раҳматнома олишга муяссар ҳам бўлди. Ҳақиқатда эса контора ўша йили бир тийин ҳам фойда бермагани, аксинча қурилиш ишлари муддати чўзилиб кетгани, таннархи қимматга тушгани, сон кетидан қувиб сифатга жиддий қалал етказилгани кейинчалик маълум бўлди. Мана шу кўзбўямачилиги учун Жуманиёзов ўша кездаёқ ишдан олиниб, жавобгарликка тортилиши керак эди. Нима учундир Хева бошқармаси партия комитетининг раҳбарлари масалага юзаки қарадилар, кўзбўямачига "виговор бериш билан чекланилди, холос.

Товбасига таянмаган раис ножўя хатти-ҳаракатларини давом эттирди. Контора янги болалар боғчаси биноси қуриб район халқ маорифи бўлими ихтиёрига топширди. Шу куни тузилган 190-актда бинони жиҳозлашга 7596 сўм маблағ сарфланган қайд қилинди. Халқ маорифи бўлими бу пулни контора ҳисобига ўтказди. Актда тилга олинган пианино, холодильник, диван, шкаф ва кроватларни келтиришга 352 сўм йўл кира сарфланмаган, уни Жуманиёзов бошлиқ мансабдор шахслар ўзлаштирган.

Ражаб Жуманиёзов раислик столига ўтиргач, антиқа воқеалар бўлаётир. Бухгалтериядаги бир ҳужжатда таъкидланишича, яқинда 17 кубометр тахта, 23 кубометр ёғоч ғишт пиширишга ишлатилгани ҳақида ёзилибди.

Хева район колхозлараро қурилиш конторасида қурилиш ишлари плани бардоб бериляпти, контора раиси Ражаб Жуманиёзов бошлиқ бир группа юлғичлар давлат маблағи ва қурилиш материалларини талон-торож қиляпти, шу қисобга шахсий бойлик тўпляпти. Меҳнаткашлар бу қаҳда ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитети, жамоат тартибини сақлаш район бўлими раҳбарларига сигналлар берди. «Хоразм ҳақиқати» область газетасида «Бу, жиноятчини рағбатлантириш эмасми?», «Тузоқдан қочган тўлқинлар» сарлавҳали фельетонлар босилди. Аммо раҳбарлар нима учундир ҳамон сукут сақлаяптилар. «Бир балоси бўлмаса шудгорда қўйруқ на қилур» деб шунга айтсалар керак-да! Жамоатчилик Ражаб Жуманиёзов, Абдулла Раҳимов, Саъдулла Абдуллаев сингари шахсларнинг таҳобини тортиб қўйдиган ташкилотлар борлигини яхши билади ва улар ғафлат уйқусидан уйғонади деган умиддадир. Халқимизда, ноҳақ ишга ривож йўқ, деган нақл борку!

М. НАЗАРОВ,
С. ИБРОҲИМОВ,
«Совет Узбекистони»нинг махсус мухбирлари.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ЧЕТ ЭЛ ахборотлари

БМТ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИДА

НЬЮ-ЙОРК, 5 июнь. (ТАСС). Кеча Хавфсизлик Кенгаши Қўшма Штатлар ва Жанубий Вьетнамнинг Камбоджага қарши агрессив ҳаракатлари тўғрисидаги масала юзасидан Марокаш ва Фил Суяги Қирғоғи делегациялари таклиф этган резолюцияни қабул қилди. Резолюцияда Камбоджа билан Жанубий Вьетнам ўртасидаги чегара районига БМТнинг уч кузатувчисини юбориш тўғрисида модда бор. СССР ва Чехословакия Социалистик Республикасининг вакиллари БМТ кузатувчиларини юбориш кўзда тутилган модда юзасидан овоз беришда бетараф қолдилар. Ўмуман, Совет Иттифоқи ва Чехословакия Хавфсизлик Кенгашининг ҳамма аъзолари билан биргаликда резолюция лойиҳасини ёқлаб овоз бердилар.

БМТ бош секретари У Тан Хавфсизлик Кенгашида берган баёнотида учта кузатувчи БМТ секретариатининг беш ходими билан биргаликда жўнаб кетадилар ва у ерда кўпи билан 45 кун бўладилар, деб айтди.

ЖАВОҲАРЛАЛ НЕРУ НОМЛИ МУКОФОТ

ДЕҲЛИ, 5 июнь. (ТАСС). Ҳиндистон маданий алоқалар ненгаши марҳум бош министр хотирасига Жавоҳарлал Неру номли халқаро мукофот таъсис этишга қарор қилди. Бу мукофот турли мамлакатларнинг бутун дунёда тинчликни ва халқлар ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшган атоқли арбобларига йил сайин берилади.

АҚШДА ИШСИЗЛИК

НЬЮ-ЙОРК, 6 июнь. (ТАСС). Меҳнат министрлигининг маълумотларига кўра, май ойида Қўшма Штатларда тамомила ишсизлар сони 3,6 миллион киши бўлган, бу эса ишчи кучларининг умумий сонига нисбатан 5,1 процентни ташкил этади. Ёшлар ўртасида ишсизлар процента айниқса кўп. Мактабни битириб чиққанларидан кейин иш излаган ёшларнинг қариб бешдан бир қисми қанча уринса ҳам иш тополмаган.

ДЎСТОНА ЁРДАМ

ДЕҲЛИ, 6 июнь. (ТАСС). Бокарода металлургия заводи қуришда Ҳиндистонга ёрдам беришга Совет Иттифоқининг тайёр эканлигини Ҳиндистон жамоатчилиги кенг табриклаяпти, деб ёзади «Индиан фориз афферс» журнали. Совет Иттифоқининг бу заводни қуришда Ҳиндистонга ёрдам беришга рози бўлганлиги иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлайдиган янги муҳим фактордир. СССР давлат секторининг турли корхоналарини планлаштиришда ва қуришда Ҳиндистонга ҳозирдаёқ қимматли ёрдам берди. «Бокародаги завод давлат корхонаси бўлиб, мамлакат экономикасининг ўсиши учун ғоят катта аҳамиятга эгадир,— деб таъкидлайди журнал.— Бу завод қурилишида ёрдам беришга Совет Иттифоқининг тайёр эканлиги Ҳиндистонда кўплгина бошқа шу хил лойиҳаларни амалга оширишда ҳам Совет Иттифоқининг дўстона ёрдамига таянниш мумкинлигига ишонч туғдиради».

ҲУКМРОН ПАРТИЯ РАИСИ ИСТЕЪФО БЕРИШГА МАЖБУР БЎЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 5 июнь. (ТАСС). Жанубий Кореядаги демократик республикачи ҳукмрон партия раиси Ким Чон Пиль Сеулда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида студентларнинг кучли намойишлари натижасида бугун партия раиси лавозимидан истеъфо беришга мажбур бўлди, деб Сеулдан хабар беради Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбири. Намойишчилар мамлакатда иқтисодий аҳволнинг яхшиланишини, ҳукуматдаги сотқинликнинг тугатилишини ҳамда Япония—Жанубий Корея музокаларининг тўхтатилишини талаб қилмоқдалар.

БУНДЕСТАГ МОСКВА ШАРТНОМАСИНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛДИ

БОННН, 5 июнь. (ТАСС). Ғарбий Германия бундестаги ўзининг бугунги мажлисида Атмосферада, космик фазода ва сув остида ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисидаги Москва шартномасини ратификация қилиш ҳақидаги қонун лойиҳасини бир овоздан маъқуллади.

Шартнома ратификация қилинмасдан олдин қисқача мунозаралар бўлиб ўтди. Шу мунозаралар вақтида бундестаг барча фракцияларининг вакиллари, шунингдек Германия Федератив Республикаси ташқи ишлар министри Г. Шредер сўзга чиқди. Г. Шредер Москва шартномасининг тузилганлиги ижобий аҳамиятга эга эканлигини эътироф қилди.

«БЛЮ СТРИК» РАКЕТАСИ УЧИРИЛДИ

ЛОНДОН, 5 июнь. (ТАСС). Англия граждан авиацияси министри Жулиан Эмери бугун умумпалатада сўзга чиқиб, Жанубий Австралиядаги Вумер полигонида Англиянинг «Блю стрик» ракетаси учирилганлигини эълон қилди. Министр айтдики, ракета белгиланган бир минг беш юз километр ўрнига минг километр масофага учди, 176 километр баландликка чиқди. Учиш вақтида ракетанинг максимал тезлиги соатига 10.240 километрга етди.

«Блю стрик» ракетасидан ернинг сунъий йўлдошларини учириш учун ракета системасининг биринчи босқичи сифатида фойдаланилади. Шу ракета системасини яратишда Франция ва Германия Федератив Республикаси қатнашмоқда.

НАМОЙИШЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 5 июнь. (ТАСС). Ҳарбий ҳолатга қарамасдан, Сеулда Америка таъсиридаги Пак Чжон Хи режимига қарши ҳаракатлар тўхтовсиз давом этмоқда.

Чет эл агентликларининг хабар беришича, Сеулда бўлиб ўтган намойишларда 30.000 га яқин киши қатнашган.

Сеулдан ташқари Жанубий Кореянинг бошқа шаҳарларида ҳам намойишлар бўлиб турибди. Ҳукумат вакили кабинетининг фавқулодда мажлисида Сеулдагина эмас, балки бошқа шаҳарларда ҳам ҳарбий ҳолат жорий қилишга принцип жиҳатидан қарор қилинди, деб тан олди.

Намойишчилар ҳарбий ҳолатнинг бекор қилинишини, Пак Чжон Хи ҳукуматининг истеъфо беришини талаб қилмоқдалар.

ТИНГЛАНГ ТОМОША ҚИЛИНГ

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

7 ИЮНДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 11.00 — **Эрталабки гимнастика машғулотлари**, 11.20 — **Ёқимли куйлар** (мактаб ўқувчилари учун). 11.50 — **Каниқулнинг биринчи куни** (илмий-оммабоп фильм). 12.00— **Чўчқа-копилка** (мультипликацион фильм). 12.10 — **Ҳайрли соатда** (бадиий фильм). 13.45 — **Умумхалқ иши** (ҳужжатли фильм).

Ўзбек тилида: 14.30 — **Ҳаёт чорлайди** (мактаб ўқувчилари учун). 14.50 — **Телевизион фильм**, 15.10 — **Концерт** (ёшлар учун).

Рус тилида: 17.00 — **Қармоқ киноновелла** (болалар учун). 17.15 — **Телевизион янгиликлар**, 17.30 — **Виждон овози** (телевизион фильм). 18.00 —**Канадаликлар куйлайди** (ҳужжатли фильм). 18.10 — **Новости дня** киножурнали ва **Шўх йигитлар** номли кинокомедия. 19.50 — **Биз Саратовданмиз** (эстрада концерти).

20.40 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.45 — **Ойнадан ўпналама** (сатира ва юмор). 21.20 —**Телевизион янгиликлар**, 21.35 — **Бир йилда икки ҳосил**, 21.45 — **И. Жўрабоев** («Қўшиқчи бастакорлар» циклидан).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

ТЕАТР

НАВОИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/VI да **Чио-Чио-Сан.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино)—7/VI да **Ишнинг билан**, 8/VI да **Икки билагузук.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Эрканлар кеча, бугун...—«ДРУЖБА» (1-залда кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ИСКРА» (кеч соат 7 гача), НАВОИЙ номли (кундуз 5-20 минутгача).

Душанба—оғир кун — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кеч соат 7-40 минутдан), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Улим чангалида — «ВАТАН», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун).

Гоар Гаспарян куйлайди — «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Шахсан маълум — «ЮЛДУЗ» (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да).

Дон Сезар де Базан — «ДРУЖБА» 2-залда, кундуз ва кечқурун).

Бешинчи континент йўллари (кундуз соат 2, кеч 6-40 минут, 8 ва 9 да).

Жаҳон оқишлайди (кундуз 3-10, 4-20 минут ва 5 яримда) — КИНОЛЕКТОРИЙ.

Зелёнаядаги дангиллама уй — НАВОИЙ номли (кеч соат 6-40, 8-20 минут ва 10 да).

Лили — «ЕШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 8 ярим ва 10 да).

Эльбадаги махфий жой — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Ялангоч дипломат — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6 ва 8 да).

Йўлбарс — «МОСКВА» (эрталаб соат 10, кундуз 2 ва кеч 6 да).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10 яримда)

Хотин нетганда — «ОКТЯБРЬ».

Жунгли — «ВАТАН».

Эрканлар кеча, бугун ва... — НАВОИЙ номли, «ФЕСТИВАЛЬ».

Уруш ва тинчлик — «САЛЮТ».

Ялангоч дипломат—ТЕЛЬМАН ном. ли.

Минг қиёфага кирган киши — «1 МАЙ».

Қўлга тушмас Ян — «УДАРНИК».

Велосипед ўғратувчилар — СТЕПАН РАЗИН номли.

«Ҳинд малиқаси» шарпаси — ПУШКИН номли.

Улим чангалида — «ХЕВА».

Қора ниқобда — «ПАХТАКОР».

Бомбай қизи — «РАКЕТА».

Одам-амфибия — «ШАРҚ».

«Совет Узбекистони», «Правда Востока» ва «Ҳақиқати Узбекистон» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.
Р. 06710. ИНДЕКС — 64543. № 5 — 131.